

Шеърят даргоҳи

(2017 йилда ёзилган шеърлар тўплами)

**Муаллиф
Саҳвий**

**Швеция
2017**

Кириш:

Аллоҳга ҳамд ва расулига саломлар бўлсин! Мана 2017 йил ҳам ўтиб кетди. Бу йилда ёзган шеърларимни ҳам ҳар йилги одатга биноан бир тўпламда жамлаб чоп қилдим. Китобга «Шеърят даргоҳи» деб ном қўйдим. Бу ном шу номдаги шеъримдан олинди. Шу номдаги ғазал ҳам шу тўпламдан жой олган. 2010 йилдан бери ҳар йил охирида ўша йил давомида ёзган шеърларимни жамлаб тўплам қилиб келганман. Бу тўплам шу каби йиллик шеърлар тўпламининг еттинчисидир. Албатта, шеърларимга баҳо бериш ўқувчиларга ҳаволадир. Бу шеърларни ўқувчига ҳам муаллифга ҳам дунё ва охирада манфаатли қилишини буюк Аллоҳдан сўраб қоламан. Хато нуқсонлари учун узр сўрайман.

Саҳвий

01.10. 2018

Ўғлимга атаб:

Мен сени Тангримдан тилаб олганман,
Сени жондан ортиқ суярман болам.
Ҳаёт ташвишидан чарчаб толганман,
Сен билан бахт ҳиссин туярман болам.

Фарзанд ҳаёт учун бўлар экан зеб,
Ўйланаман доим сени қайғунг еб,
Ёт элларда ёлғиз қолармикан деб,
Ўйланиб ўзимча куярман болам.

Сен дунёга келдинг бир ёт диёрда,
Яшаш керак энди совуқда қорда,
Ҳар бандага битган бир қисмат борда,
Униб ўсишингни кутарман болам.

Бу ерларда йўқдир қариндош қондош,
Тангрим сенга берсин сабр ила бардош,
Ватандош излама, излагил диндош,
Сенга ҳидоят йўл тиларман болам.

Мақсадга етмадим шунча интилиб,
Кўп хатолар қилдим, билмай ё билиб,
Яратгандан яхши умидлар қилиб,
Дардларимни дилга ютарман болам.

Мададкоринг бўлсин ҳамиша Аллоҳ,
Ҳақда собит бўлгил, бўлмагил гумроҳ,
Айрилиқ ҳам келар барибир эй воҳ,
Ажал етса бир кун, кетарман болам.

Камолингни кўрсам йўқдир армоним,
Келажакни ўйлаб ёнади жоним,
Ҳамроҳ бўлса басдир, охир имоним,
Қазога бўйсунмай нетарман болам?!

Доим тиловат қил каломуллоҳни,
Суннатини ушла расулуллоҳни,
Агар Роббим десанг, ёлғиз Аллоҳни,
Дунёдан хотиржам ўтарман болам.

Аллоҳ паноҳида асрасин сени,
Ҳаргиз юзим ерга қаратма мени,
Шулардир Саҳвийнинг сенга дегани,
Сенга атаб шеърлар битарман болам.

.....

Ўз тилини билмаган миллат

Навоийни бобомиз деймиз,
Унга бажо келтириб ҳурмат.
Ўзбек тилин асосчиси деб,
Шарафламоқ бу олий ҳиммат.
Навоийни ўқиёлмаса,
Унга нисбат берилган миллат.
Ўтмишидан айрилган элнинг,
Тилин қадри бир пулга қиммат.
Борми бундан ортиқроқ иллат?,
Ўз тилини билмаса миллат?!

Беш асрдир Хамсанинг умри,
Беш асрким бу тил бизда бор.
Ундан олдин неча асрлар,
Туркий тилда битилган ашъор.
Бугун бизнинг даврга келиб,
Бу буюк тил бўлиб қолди хор.
Бугун бу тилда гапиролмас,
Бизнинг элда бирор амалдор.
Тил билмаслар топар шон шуҳрат,
Ўз тилини хор қилди миллат.

Шоирлари билмаса тилни,
Гапирмаса амалдорлари.
Ўзга миллат қаердан билар,
Рус тилида гаплашар бари.
Бу тилга эътибор бўлмади,
Совет даври эди илгари.
Мустақиллик даврига келиб,
Ўзгармади ҳеч нарсга ҳали.
Ким бу тилни қилади ҳурмат?,
Агар ҳурмат қилмаса миллат?!

Бизга ибрат кўрсатар бугун,
Ўзга эллар, ўзга элатлар.
Улар диёрида яшасанг,
Қўйишади бир неча шартлар.
Биринчи шарт тилини билмоқ,
Улар ўз тилини ҳурматлар.
Тилни билмасликка илож йўқ,
Ёпилади барча хизматлар.
Тилин қилиб эътибор иззат,
Буюкликка етди кўп миллат.

Тил дегани халқ ўзлигидир,
Акс ҳолда халқмас, оломон.
Илдизидан узилган дарахт,
Ҳалок бўлар қолмайди омон.
Бу миллатнинг тили, тарихи,
Бу миллатдан узоқдир ҳамон.
Тараққиёт асрига келиб,
Манқуртларга айлансак ёмон!
Келармикан бир шундай муддат,
Ўз тилида гапирса миллат?!

Навоийнинг тилидир бу тил,
Булбуллар бу тилда сайраса.
Ўзга тилда гапирганни эл,
Зиёлимаслигин англаса.
Сарой аҳли билса бу тилни,
Эшитганда дилинг яйраса.
Ажаб эмас бир куни келиб,
Жаҳон минбаридан янграса.
Бир кун шундай бўлади албат,
Шунда қадрин топар бу миллат!

09.01.2018

.....

Лаънат бўлсин сенга, такрор ва такрор,
Ҳали сени зулминг кетмади зинҳор.
Сенинг зулминг давом эттириб турган,
Ортингда қолдирган ворисларинг бор!

Қуртларга ем бўлиб ётсада тананг,
Зулмингдан мазлумлар аҳволлари танг.
Сан бадбахт миллатни шўрин қуритдинг,
Кошки туғмасайди сен итни онанг.

Сен бунёд этган бу қабоҳат бало,
Билмадим, ҳали кўп йиллар туражак.
Бу балога бўлса кимки мубтало,
Доим сенга лаънат айтиб юражак.

Ўлсанг ҳам кетмади касофат элдан,
Ҳали бор сафдошинг Рустам Иноят.
Ҳали юҳолар кўп тўймаган пулдан,
Демак давом этар зулму жиноят.

Чорак аср қурган бу иморатинг,
Бузишга керакми ё чорак аср?
Ё қиёматгача бузилмайдими?
Шундай мустаҳкамми сен қурган қаср?!

Лаънат бўлсин сенга, такрор ва такрор,
Ҳали сени зулминг кетмади зинҳор.
Сенинг зулминг давом эттириб турган,
Ортингда қолдирган ворисларинг бор!

16.12.2017

.....

Қомус ҳақида

Бахтимиз Қомуси дейишди бунӣ,
Гўё адолатдан лоф урган китоб.
Ҳар йил байрам бўлар бу Қомус куни,
Амалда бу Қомус аҳволи хароб.
Эл ҳайратда қолиб турарлар хомуш,
Наҳот шундай бўлса бахт ила Қомус?.

Қомусга риоя қилмас амалдор,
Унга тупургандир, казо казолар.
Қора халқ ҳам унга қилмас эътибор,
Натижаси хорлик бизни жазолар.
Қолмаган буларда ҳеч ору номус
Бахт ҳам келтирмади бизга бу Қомус.

Эл бугун қиларкан зулмдан фарёд,
Бир томонда тўйдир, байрам тантана.
Бу сохта байрамдан кимлар бўлар шод,
Қора халқ уйида азадир яна.
Амалдорлар бари ўғри, каламуш,
Буларга бир пулга қимматдир Қомус.

Чорак асрдирким аҳволимиз шу,
Ҳеч ўзгариш йўқдир рўшнолик томон.
ИАК ҳам йўқ бўлди, қолмади мангу,
Лекин ўзгармади бу тузум ҳамон.
Ҳукумат тарихни, қилди фаромуш,
Биров эсламади қани бу Қомус?!

Нима керак сохта байрам, шараф шон?,
Байрам баҳона бу текин томоқда.
Афсонавий шахслар бўлар қаҳрамон,
Ҳақиқий қаҳрамон ётса қамоқда.

Миллат қаҳрамони экан Алпомиш,
Фирибгарлик учун баҳона Қомус.

Ҳаёт ўзгармаса, яхши томонга,
Бу Қомусни нархи бир пулга қиммат.
Эркинлик бўлмаса дину имонга,
Қандай миллат бўлар мард олий ҳиммат?!
Ажаб эмас бўлса қилмиш қидирмиш,
Бир кун ишлаб қолса, балким шу Қомус?!

08.12.2017

Қуддус ҳақида

Исломда муқаддас учта шаҳар бор,
Ақидамиз шундай беради таълим.
Буларни ҳимоят қилишлик даркор,
Шундай буюргандир Буюк Муаллим!

Биттаси Қуддуси Шариф бўлса гар,
Биттаси Маккаи Мукаррамадир.
Биттаси Мадина, Муқаддас шаҳар,
Булардан душманлар кўп хомтамаъдир.

Турли тажовузлар бўлди ҳар доим,
Исломнинг бу учта обидасига.
Уммат ҳимояда турмади қоим,
Тажовуз қилинди ҳар биттасига.

Қуддусни яҳудлар эгаллаб олди,
Ҳатто эълон қилди бизни пойтахт деб.
Ислом умматида ғурур йўқолди,
Душманга қулликни билишар бахт деб.

Яҳудлар қўлида бор қурол яроғ,
Мусулмонлар заиф, ғариб, бечора.
Яҳудлар хурсанддир бугун кайфи чоғ,
Шу билан тугаса бу жанглар зора.

Жанглар давом этар қиёматгача,
Бир кунлар айланиб турар ҳар замон.
Тарихда кўп ўтган асрлар, неча,
Охир мағлуб бўлга, не не зўравон!

Бу уммат қўлида буюк ғоя бор,
Бунга қарши туриш имкони йўқдир.
Барибир бу уммат топар эътибор,
Бундан мўминларни кўнгли ҳам тўқдир.

Бизлар учун фақат битта муаммо,
Шу хорлик кунларда яшаб ўтамиз.
Бир кун ғалаба ҳам келади, аммо,
Балким, бизлар уни кўрмай кетамиз?!

07.12.2017

.....

Бандасига қанчалар лутфу иноят айласа,
Не ажаб бу бандаси журму жиноят айласа?!

Амрига қоим бўлиб юрмоққа маъмур нотавон,
Шояд исён айламоқликка ниҳоят айласа?

Бу ўтар дунё учун ким охиратни бой берар,
Кошки мол дунё қиёматда ҳимоят айласа?!

Ким тушунгай ибрат олгай иддао айлаб илм,
Қиссаи қорунни қуръонда ривоят айласа?!

Қанча сарват соҳиби дунёда хор бўлди қаранг,
Не саодат бергани сенга кифоят айласа?!

Бу ҳаёт ибрат олишликка етарлик биз учун,
Бандадир ким кимни амрига итоат айласа?!

Эй биродарлар адашди Саҳвий ўнганмас деманг,
Йўқ ажаб бир кун мани Тангрим ҳидоят айласа?

23.11.2017

Қаю миллатнинг пешвоси ўз элин ўзи хор этгай?,
Фақат ўзбек деган миллат бу янлиғ ишни бор этгай.

Бир аср бўлди бу элга адолат соҳиби келмас,
Қачон ким келса, элни хор этиб, ҳам ифтихор этгай?!

На динга йўл берилди, на бошқа ҳақ ҳуқуқ мавжуд,
Бу элга кимки пешво бўлса, халқин хору зор этгай!

Касодга учраган бозори, халқи оч, қуруқ ҳамён,
Зулм бирла наҳот бу юртда тинчлик барқарор этгай?!

Қаранглар шунча гап сўзлар билан аҳмоқ қилиб элни,
Бу ҳам шу мустабид йўлини тутмоқ ихтиёр этгай?!

ИАК охири не бўлди, кўриб ҳам ибрат олмаслар,
Наҳот, оқил киши ўтқа киришликка қарор этгай?

Ғарибу мазлуму бекас бенаволар дуосин ол,
Уларнинг қарғишин олғонни Тангри шармисор этгай.

Ғанимат билмаган фурсатни нодондир, ажал келса,
Гадоми шоҳми фарқи йўк, танангни тору мор этгай.

Худодан қўрқмаган бадбахт киши, ким бўлса ҳам Саҳвий,
Худодан қўрққан одамлар адолатни шиор этгай!

18.11.2017

Бу янги раҳбар ҳам мазлум ғарибларга азоб этгай,
Билолмасман қиёматда ҳали қандай жавоб этгай?!

ИАК золим бўлиб бадбахт бўлиб ўтди бу дунёдан,
Агар оқил одам бўлса ўзини сарҳисоб этгай.

Нечук нокас киши мазлумлар оҳига қиё бокмас,
Тилагим шу яратгандан сани ҳолинг хароб этгай.

ИАКдек мустабид бўлмоқни орзу айласанг охир,
Қудрати беқиёс Тангрим бу орзунгни сароб этгай!

Бугун фурсатни ғанимат билмасанг хор бўл шу дунёда,
Ажаб эрмас Худоим бу дуоим мустажоб этгай.

Худоим икки дунёда саодат аҳлидан қилсин,
Қаю раҳбар шу мазлумларга бир хайру савоб этгай.

Адолат йўлини тутмай зулмга юз қўяр бўлсанг,
Сани қарғаб ёзилган шеърдан Саҳвий китоб этгай!

24.11.2017

Буқаламунга

Сенда қатъийятлик ва субут йўқдир,
Бугун айтганингдан эрта қайтасан.
Ўзингни устинг бут ва қорнинг тўқдир,
Халқни алдаш учун эртақ айтасан.

Ўғри дединг барча миршаб қозини,
Гўё буни биров билмаган каби.
Қўйларга чўпонлик қилган тозини,
Қўй суягин ғажиш бўлган матлаби.

Атрофингни ўраб турибди бари,
Кимлар қилган бўлса улкан жиноят.
Сен шулар сафида эдинг илгари,
Сенинг устозинг шу Рустам Иноят!

Мустабиддан мерос курсини олиб,
Дунёни кезасан тиржайиб даъюс.
Халқни эса сендан ихлоси қолиб,
Нигоҳи самога тикилар маъюс.

Ҳадеб алжирайсан халққа ёқай деб,
Аслида халқ қонин ичишга шайсан.
Бу халқ дарбадардир бола боқай деб,
Сен бу халққа эмас, русга малайсан!

Давом этмоқдадир ҳали истибдод,
Ваъдага вафодор мард бўлолмадинг.
Барча мазлумларни айлабон озод,
Бу халқ тарихида мангу қолмадинг!

Барибир бир куни ўлади одам,
Бошқа қузғун келар бу вайронага.
Ғанимат билмадинг вақтни сени ҳам,
Тарих улоқтирар ахлатхонага.

Кутган умидларни пучга чиқардинг,
Амалинга лойиқ мос бир ўрин ол.
Бу халқ тарихида бўлмасин қадринг,
Мангу нафратларга лойиқ бўлиб қол!

26.11.2017

Тошкентда намоишга чиққан аёллар суратини кўриб:

Чорак аср ётган эди уйқуда,
Намоишга чиқмиш, бу қизиқ жуда,
Кошкийди бўлмаса бари беҳуда,
Ҳақни талаб қилиш, бўлганди иллат,
Наҳот уйғонмоқда энди бу миллат?

Эркаклар бу ишга журъат қилмаса,
Яхшику аёллар жим ўтирмаса,
Токи халқ ўз ҳақкин талаб қилмаса,
Бошимиздан кетмас турли мусибат,
Хор бўлур, хорликда эзилган миллат!

Наҳотки рост бўлса озодлик саси?,
Ичига тушмаса яна нафаси,
Тугаса тутқунлик, хорлик қафаси,
Шояд озодликка йўл берса зиллат,
Ажабмас, ўзига келса бу миллат?!

Эй халқим зулмга қилмасанг исён,
Золимлар сенга ҳеч бермайдилар ён,
Етар ухлаганинг юз йилдан буён,
Исёнкорлик билсанг улўф фазилат,
Зулм бўйсунмас ҳеч мағрур миллат!

Зулмга йўл берма, озод инсон бўл,
Бўлсанг ҳам шу йўлда майли қурбон бўл,
Ор номусни асра. Марду майдон бўл,
Тарк этмасин сени ҳеч қачон журъат,
Шунда буюк бўлар бир кун бу миллат!

.....

Яхши савоб амаллар ҳаром билан омухта,
Уламои киромлар авом билан омухта.

Яхшига ёмон ҳамроҳ, огоҳ ёнида гумроҳ,
Ёмон сўзлар ҳам яхши калом билан омухта.

Турлича қадр қиммат, турли фаросат журъат,
Ҳам муҳаббат ҳам нафрат, салом билан омухта.

Нурлар билан зулматлар, адовату ҳурматлар,
Азобу уқубатлар ором билан омухта.

Турли туман гуруҳлар, турли хил қалбу руҳлар,
Касал майиб мажруҳлар, соғлом билан омухта.

Бир ёнда ғариб фақир, элнинг наздида ҳақир,
Ким дунёда алифдек, мим лом билан омухта.

Ҳамма нарсa бебақо, ўткинчи қўҳна дунё,
Гўё заҳар солинган бир жом билан омухта.

Бор эрур интиҳоси, тугар бир кун навоси,
Ҳар нарсa ибтидоси тамом билан омухта.

Саҳвий хатокор инсон, шеър ёзар яхши ёмон,
Яхши илҳоми ёмон илҳом билан омухта.

.....

Қисмат

У ўзини ўйлар бир буюк зот деб,
Доим буюкликни иддао қилар.
Умр ўтган дунё дардида ғам еб,
Ҳали тепаликни муддао қилар.

Қанча сувлар оқиб ўтди орадан,
Фарқиям қолмади оқни қорадан,
Биров ҳол сўрамас бу бечорадан,
Ҳануз тожу тахтга у даъво қилар.

Унга эргашдилар кўплаб одамлар,
Барчасига етди кулфату ғамлар,
У киши доимо хотири жамлар,
Кимлар қурбон бўлса истисно қилар.

Унга айтиб бўлмас хато қилдинг деб,
Ноҳақ одамларга жафо қилдинг деб,
Сен қачон ваъдага вафо қилдинг деб?
Сўрасанг сенга ҳам бир игво қилар.

Ўйинни ҳалолмас, ўйнайди ғирром,
Яширин номингни қилади бадном,
Фарқи йўқ, ҳалолми бу иш ё ҳаром?,
Фитна фасод қилар, кўп расво қилар.

Одамзод бўлмасин ҳеч икки юзли,
Икки гапирмаса, бўлса бир сўзли,
Дажжол фитначидир, гарчи бир кўзли,
Фитна қилиб кейин тамошо қилар.

Эҳ қандай ажойиб махлуқотдир бу?,
Миллатга ё ҳаёт, ё мамотдир бу,
Балки, ҳақиқатдан буюк зотдир бу?,
Гапирса ўзига махлиё қилар?!

У оқимга томон оқмаган экан,
Бу оқимчиларга ёқмаган экан,
Омад унга кулиб боқмаган экан,
Кимни шох, кимнидир қул, гадо қилар.

Сиёсатчи бўлиб қилмади парвоз,
Тариқатчи бўлиб адашди бир оз,
Нуфузига етди улкан инқироз,
Ажал барчасига интиҳо қилар.

Муддат ҳам оз қолди охират томон,
Унга тайёргарлик қилмаслик ёмон,
Саломат кетсинда оқибат имон,
Саҳвий Ҳақдан шуни илтижо қилар.

07.10.2017

Шеърят даргоҳи

Шеърят даргоҳи оламда ажиб даргоҳ эмиш,
Навоий туркий назм даргоҳида подшоҳ эмиш,
Гарчи Лутфий ва Атоий Навоийга ҳамнафас,
Назм сир асроридан ҳам Огаҳий огоҳ эмиш.
Машраби девона топмиш кўп улуг бир мартаба,
Унинг олдида заифдир, гарчи Бобур шоҳ эмиш.
Назм бўстонида боқий Нодира, Зебуннисо,
Уларнинг назми латофатлик ажиб дилхоҳ эмиш.
Бизнинг шоир гарчи туркман бўлсада Махтимкули,
Сўфи Оллоёр, Ҳазиний, тунда мисли моҳ эмиш.
Фузулийнинг фазлини ёзмоққа ожиздир қалам,
Туркий забон шоир борки унга хайрихоҳ эмиш.
Хоразм аҳлига мансуб Мунису, Комил тамом,
Мангу ошиқлар мисоли назми оҳу воҳ эмиш.
Булардан сўнг келди шоирлар яна бир қанча лек,
Шеърларида ҳақиқат ўқидир улар маддоҳ эмиш.
Шу салафлар шеърят бўстонидан жой олдилар,
Ким алардан ҳам буюкроқман деса гумроҳ эмиш.
Буюк зотлардек камолот этмадинг касб Саҳвиё,
Шукр қил, қисматни тақсим қилгувчи Аллоҳ эмиш!

18.09.2017

Қачон келар билмадим, ажал менинг йўлимдадир,
На иложу чорасин қилмоқ менинг қўлимдадир?!
Кетарман келса ажал бир кун тўсатдан ногаҳон,
Ўлсам эл айтар: унинг қабри Стокҳолмдадир.
Гарчи тақдирим мени бу элга дуч этди бугун,
Лек дилимнинг меҳри мен ўсган ўшал чўлимдадир.
Не қилай ҳаргиз ватанда офиятни топмадим,
Доимо офат балолар ўнг ила сўлимдадир.

Адолатсиз зўравон золимга дуч бўлдим нетай?,
Ҳар на даъвоим менинг бўлса ўшал золимдадир.

Динини дунёга сотганларни кўп кўрдик қаранг,
Аламларим динфуруш хоин имом олимдадир.

Дилимнинг дардини достон айлағай бу шеърларим,
Бу ғазалнинг инъикоси нотавон ҳолимдадир.

Кеча кундуз шеър ёзарсан, қадри йўқдир Сахвиё,
Қавму қардошим учун қадрим менинг пулимдадир.

18.09.2017

Гарчи бу кун шведлар юрти диёримдир менинг,
Барибир юртимга қайтмоқлик қароримдир менинг.

Мен ватандан қочмадим, қочдим зулмдан ноилож,
Зўравонга қарши турмоқлик шиоримдир менинг.

Зўравонлар ҳақни айтган барчани йўқ қилдилар,
Барча мазлумларнинг оҳи, оҳу зоримдир менинг.

Ҳақ йўлида ҳар киши собит тура олмас экан,
Шайхи Абдулвалий қори ифтихоримдир менинг.

Қани Абдуллоҳ Бухорий, қани Фуад Шокирий?,
Шулардек ҳақ йўлда ўлмоқ ихтиёримдир менинг.

Мен бу мазлум миллатимнинг қайғусида қон ютиб,
Шу кураш йўлида бўлмоқ, номус оримдир менинг.

Ҳаловат топмайди Саҳвий, то зулм мавжуд экан,
Не қилай дўстлар ахир шу йўку боримдир менинг.

22.09.2017

Фарқи нима?

У «Ўтган кунлар»ни, «Бу кунлар» билан,
Солиштириб бир оз қилдим эътибор.
Инсоф билан айтинг, ўтган кун билан,
Бу кун орасида нима фарқи бор??!

Ўтган кунларда ҳам, бу кунларда ҳам,
Акс этган шу элнинг бошидаги ғам,
Ўзгариш бўлмаган, бўлинг хотиржам,
Адолатсизлик ва зулм ҳукмдор!

Ўтган кунни ёзган Қодирий устоз,
Отилди орадан кўп ўтмай бир оз,
Бу кунларни ёзган ёзувчи шоввоз,
Бугун шу қисматга бўлди гирифтор.

Хулоса қилсам гар ўша ўтган кун,
Ҳалиям турибди ўзгармай бу кун,
Ёруғлик кўринмас, бир зимистон тун,
Тарих бўлмоқдадир доимо такрор.

Келажак не бўлур, қотмоқда бошлар?,
Не кунларни кўрар, бугунги ёшлар,
Бу фикрлар менинг дилимни ғашлар,
Давоси йўқ дардга бўлдики дучор?!

Вафот этганида бир қаттол золим,
Хурсанд бўлди бўлса ким ақли солим,
Орзу умид чулғаб олди хаёлим,
Қилган умидимиз бўлдики бекор?!

Мустабид ўлсада, ўзгармас замон,
Ўша ўша ҳолат турибди ҳамон,
Омонлик бермади элга Миромон,
Мирзиёдан зиё кутган бўлди хор!

Эй халқим ишонма афсоналарга,
Бой берма сиригни бегоналарга,
Фарзандларинг ётган ғамхоналарга,
Мурувват қилишни унутма зинҳор!

Барибир келади биз кутган онлар,
Абадий қолмайди золим, ёмонлар,
Токи тугагунча бу имтихонлар,
Мададкоринг бўлсин Ҳақ Парвардигор!

29.09.2017

Ўзбекни оши

Гиннес китобига кирамиз дея,
Ўйлайвериб қотди ўзбеклар боши.
Хулоса шу бўлди, ушбу китобга,
Бизларни киритар ўзбекнинг оши.

Етти тонна ошни дамлаб қозонда,
Дунёга шов шувлар қилди шоввозлар.
Бу ош шов шув бўлди жумла жаҳонда,
Ҳамма ёқда қий чув шовқин овозлар.

Гиннес китобига киришди эплаб,
Кўзланган мақсадга етишди аммо.
Ошни ейиш учун одамни тўплаб,
Уларга тарқатиш бўлди муаммо.

Рекорд ошдан ейиш учун минг минглаб,
Одамлар йиғилди ўша майдонга.
Ошни еймиз дея, мусиқа тинглаб,
Қаранг кутиб турган бу оломонга.

Ур йиқлар бошланди кейин ош учун,
Ошхўрлик ҳам асли катта бир иллат.
Ош деб калтак еган қари ёш учун,
Гиннес китобига кирди бу миллат!

09.09.2017

Қаламчиларга:

Қаламчилар қалам олмоқни қўлга ихтиёр этмиш,
Бу иш бирла бизингдек муттабиъни бахтиёр этмиш.

Узоқ йиллар сукунат қаърига чўмган эди бу қавм,
Сукут қаъридан энди чиқишликка қарор этмиш.

Сиёсатдан узоқ бўлмоқни мақсад қилганин айтур,
Агарчи динда Аллоҳ бу амални пойдевор этмиш.

Бу майдонда, курашмоқда фирқалар тинмайин бу кун,
Булар бир мўътадил тинч маърифат йўлин шиор этмиш.

Сарой имомига дўстлик баён этган, бу не ҳолат?,
Агарчи у касофатлар, буларни шармисор этмиш?!

Ҳанафий йўлига мансублигини иддао айлаб,
Салафлар манҳажин сабаб недирки бўйла хор этмиш?!

Қаламкашларга қойил қолмайин ҳеч бир иложим йўқ,
Бугун Сахвий неки кўнглинда борин ошкор этмиш.

09.09.2017

Муножот

“Бизнинг ортиқ қочадиган жойимиз йўқ (йиғлайди). Кетадиган жойимиз қолмаганди ортиқ. Балки, бугундан сўнгра биз ҳаётда бўлмаймиз (юм-юм йиғлайди). Бизни дуо қилинглар”, дейилади аудиомурожаатда.

Буни ўқиб афсус надоматдаман,
Ўз ҳолимдан ўзим хижолатдаман.
Булар аҳволидан дилим вайрондир,
Бир нарса қилишга ақлим ҳайрондир.
Булар қочиб чиққан юрти Шинжондан,
Хитойлар зулмидан кофиристондан.

Буларни кераги йўқдир ҳеч кимга,
Оқибат қолмаган бугун етимга.
Халифат бўлди деб солишганда жар,
Кўпчилик ўйламай у ерга қочар.
Ироқда фитналар бўлмади канда,
Хилофат номини қилди шарманда.
Қабул қилиб олди ким борса қочиб,
Дўк урди оламга қаҳрини сочиб.
Уруш эълон қилди жумла жаҳонга,
Ироқу шом юртини тўлдирди қонга.
Ўлдирди ким бўлса яхши ёмонни,
Фарқи йўқ кофирни ва мусулмонни.
Қонхўрлик тимсоли бўлди бу каслар,
Дин номин булғаган бадбахт нокаслар.
Тан олмаганларни қилди қатли ом,
Уни тан олмади уммат батамом.
Унга қарши кейин бошлади уруш,
Дунёда ким бўлса шу қуролфуруш.
Мусулмон давлатлар қуфрла ҳамдам,
Халифат устига ёғдиришди ғам.
Тинмай бомба ёғар улар бошидан,
Фалокат аримас қари ёшидан.
Аёллар болалар сарсон саргардон,
Ҳамма ёқда олов, ҳамма ёқ вайрон.
Мўсулни қилдилар вайрону хароб,
Хилофат орзуси бўлдику сароб.
Ўлгану ўлдирган мусулмон эди,
Уларнинг даъвоси дин имон эди.
Беғуноҳ аёллар, болалар гирён,
Шулар бўлмоқдалар беғуноҳ қурбон.
Аллоҳ гувоҳдирки улар беғуноҳ,
Аллоҳ гувоҳлиги етарли гувоҳ.
Ҳали нима кўрди бу мурғак кўзлар?,
Ёш гўдак болалар, бошпана излар.
Аёллар ўлимни кутади ночор,
Ёнида гўдаклар йиғлайди зор зор.
ИШИД фитнасига учраган уммат,

Қадри бўлди энди бир пулга қиммат.
Ўлиб ётганларнинг сон саноғи йўқ,
Мен уйда ётибман, қорним эса тўқ.
Ўқиб кўриб булар ҳолу аҳволин,
Ҳақ билур не бўлди юрагим ҳолин.
Нима қилишимни билмайман аммо,
Бу билан тугамас экан муаммо.
Доим шундай нарса кўрсам ўқисам,
Юрагим қон бўлар, Аллоҳга қасам!
Нимаям қиларман мен ожиз банда,
На салтанат на қудрат бор манда.
Улар аҳволига юрагим қондир,
Бахтли яшаяпман десам ёлғондир.
Дуолар қиламан тилайман нажот,
Наҳотки хорлиққа маҳкуммиз, наҳот?!
Ё раб, бу умматга раҳм қил Ўзинг,
Олий қилсин ерда Ўзингни Сўзинг!
Гарчи тугамайди ўртада низо,
Бу умматдан Ўзинг бўл охир ризо!
Мен уларни ўйлаб кўнглим яримдир,
Нима қилай ахир биродаримдир?!
Бу динда миллат йўқ, арабми ажам,
Бир эътиқод узра бўлишади жам!
Уларга азоблар этаркан давом,
Мен учун офият ҳаромдир, ҳаром!
Шудир ё Раб, бизга индирган дининг,
Шундай таълим берди, бизга расулинг.
Мен уларни ўйлаб чекаман нола,
Менинг ўғлим улар ўғлидек бола.
Менинг жоним эмас улардан ортиқ,
Менинг қоним эмас улардан тотлиқ.
Улардан ортиқроқ эмас имоним,
Омонатдир ахир менинг ҳам жоним.
Уларга юбординг балою офат,
Сабаб бўлди турли туман касофат.
Бизни офиятда тутарсан бу дам,
Синаб турибсанми халлоқи олам?!
Нима қилай ахир бечора бўлсам?,
Даргоҳингда бориб юзқора бўлсам?!
Раҳм қил мен каби нотавонларга,
Йўл берма дунёда бу ёмонларга.
Гўдакларни паноҳингда асрагил,
Икки дунё даргоҳингда асрагил.
Ёмонларга Ўзинг қилгил кифоя,
Бу урушлар тугаб топсин ниҳоя!
Шу билан сўзини тугатар Саҳвий,
Муножон айладим сенга ё Роббий!

.....

Этмоқдадир

Нутқи бирлан гарчи раҳбар дилни ром этмоқдадир,
Ўзбекистонда ҳали зулмат давом этмоқдадир.

Чорак аср ухлаган эл энди уйғонгай десам,
Саҳар вақтин эл учун аксинча шом этмоқдадир.

Тинмайин танқид қилиб аввалгини даврин қаранг,
Мустабид шахсини ҳар дам эҳтиром этмоқдадир.

Субутсизлик намоёндин раҳнамолар ишида,
Пухта қилмаслар бир ишни қилса хом этмоқдадир.

На мазлумлар бўлди озод, на зулмга қўйди чек?,
Элни кутган умид орзусин ҳаром этмоқдадир.

Мен бу касда барқарор изчил сиёсат кўрмадим,
Ҳар куни ҳар турли куйларга хиром этмоқдадир.

Қандай адолат ва ҳурлик, қандай ислоҳот бўлур?,
Подаларни бўри қашқирга инъом этмоқдадир?!

Ҳеч нарасага ақли етмас, эл бугун хайрон турар,
Бесавод элни яна баттар авом этмоқдадир.

Бу мазлумлар энди кимдан, мадад кутсин Саҳвиё?,
Бугун бу элга зулм, мулла имом этмоқдадир?!

25.08.2017

Эй Худоё, даргоҳинга эҳтиёжим бор менинг,
На бир ишимда баракот, на ривожим бор менинг.

Мағфират қилсанг, ғазаб қилсанг, Ўзингда ихтиёр,
Бўйсуниб турмоқдан ўзга на иложим бор менинг?!

Дунёнинг ғам ташвишидан дилим хуфтондин бугун,
На бу зулматни ёрутгудек сирожим бор менинг?!

Менда йўқ йўл кўрсатувчи, раҳнамо Сендин бўлак,
Дунёда на шайху, пиру, мулла ҳожим бор менинг?!

Эҳтиёжимга кифоя молу дунё истадим,
Қаноатнинг ганжидан молу хирожим бор менинг.

Мен гуноҳкор бандага раҳм эт ўзинг Парвардигор,
Чунки, тавҳид нуридан бошимда тожим бор менинг.

Икки дунёсини Саҳвий, Сенга таваккул этар,
Эй Худоё, даргоҳинга эҳтиёжим бор менинг.

27.08.2017

Мулла Анвар турли фитна можаронинг устида,
Умри ўтди аҳли ҳаққа ифтиронинг устида.
Мустабид золимга хизмат қилгани кам бўлдими?,
Қуръон ўқибди яна бахтиқаронинг устида.
Бу золимнинг зулмининг сони саноғи бормиди?,
Жавоб берсин ҳар бир мазлум фуқаронинг устида.
Динга душман, нотавон махлукқа шунча марҳамат,
Кўрсатибди, жону имондан жудонинг устида.
Ҳақни тан олмасдан ўтди мустабид чорак аср,
Иблис турган ундаги кибру ҳавонинг устида.
Тилагим шу, динфурушлар жойлари золим билан,
Бирга бўлсин то абад таҳтассаронинг устида.
Саҳвиё золимга лаънат айтиб ўт бу дунёдан,
Бўлсада зулм, яна сен мотамсаронинг устида.

27.08.2017

Ўқидим... Ўқидим... Шеър — махбусхона...
Ундан фақат оҳ-воҳ, андуҳ таралар...
Борми дардсиз шеърни кўрган замона?
Наҳотки шоирлар ғамдан яралар?!
Шеър битдим... Мени ҳам буткул ёнлаган
Қувноқ вазн-у оҳанг, шодон маросим...
Борки шоир ёзиб тугатолмаган
«Оҳ»дан бўлак, э воҳ, йўқми меросим?!

28. 06. 2003

Гулчеҳра Нуруллаева.

.....

Гулчеҳра Нуруллаевага жавобан:

Бу сиз ёзган шеърда айтилган шеърлар,
Балким рост тўғридир, ғамдан яралган.
Зиндонларда ётиб қанча мард, шерлар,
Шеърлари кўз ёшдан, намдан яралган.

Лекин, бу шоирлар шеърлари асло,
Бу юртда яшаган эл ўқимайди.
Улар дарди ҳануз қалбида ихфо,
Улар бахт ҳақида шеър тўқимайди.

Одамлар ўқийди «халқ шоирларин»,
Кўп китоблар ёзиб топган шараф шон.
Ким ўқийди шеърин «халқ хоинларин»?
Уларда китоб йўқ, йўқ бирор унвон?!

Улар ғам ҳақида дoston битарлар,
Кўрган билганларин турмаҳонада.
Улар ҳақиқатни куйлаб ўтарлар,
Шеър ёзишга бу ҳам бир баҳонада.

Замон шоирларин кўринг ушбу кун,
Шайтон қўйган улар йўлига тузок.
Нималарни демас, мол мансаб учун,
Улар эл ғамидан узоқдир узоқ.

Улар шеърларида дарддан йўқ асар,
Улар куйлашади «бахтли замонни».
Кимга керак дардни ёзган дардисар?,
Эслатиб турувчи дину имонни?!

Азоб чекканларнинг шеърлари асло,
Мансабдор шоирлар шеърига тенгмас.
Дунёда ғолибдек кўринар аммо,
Ботил ҳақиқатни барибир енгмас.

25.08.2017

Гулчехра Нуриллаева ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Бўлмади йўлдош рафиқим дўст ила ёронга суф,
Доимо дардимга шоҳид, кулбаи вайронга суф,
Кулмаган бизга боқиб омад деган имконга суф,
Толпинарман учмоқ истаб, беқанот ҳар онга суф!
Уй фақат тингловчи бўлса, нолайи афғонга суф!

Бизга таълим берган асли шу ҳаёт мактаблари,
Яхшиларга насиб этмас, тожу тахт, мансаблари,
Беғараз бўлмас экан тож соҳибин мақсадлари,
Не ўзи поклик, ҳаромлик, қайдадир сарҳадлари?
Рост либосин танга илган серфириб ёлғонга суф!

Қайда росту қайда ёлғон англамай ақлим шошар,
Бизни аҳволни кўриб, лолдир бугун аҳли башар,
Чорак асрким бу эл зулмат остинда яшар,
Ер касал, денгиз адо, дарёлари нимжонлашар,
Малҳами бўлмоққа ожиз, ҳар йўриқ, фармонга суф!

Мустабидлик тўнини кийди қаранг юртбошига,
Не балолар солмади охир бу элнинг бошига,
Кимса раҳм этмас ғариблар кўздан оққан ёшига,
Бошидан ёғса заҳарлар, тўлса оғу ошига,
Шунда ҳам мум тишласа, ул нотавон-нолонга суф!

Хонавайрон бўлиб исён этмаган руҳлар, ажаб,
Бир бирини ковласа ҳар турли гуруҳлар, ажаб,
Эл ғами йўқ бошида бу дили мажруҳлар, ажаб,
Халқини очликда кўрса, қандайин ухлар, ажаб?!
Ўзни доно деб ҳисоблар раҳбари нодонга суф!

Кўп асрлардан ўтиб келган омон ҳам ўз тилим,
Яхши бўлса ҳам ва ё, бўлса ёмон ҳам ўз тилим,
Боболардан бизга мерос, армуғон ҳам ўз тилим,
Онажон ҳам ўз тилимдир, бағри қон ҳам ўз тилим,
Ўз тилига соқчи эрмас шоири давронга суф!

Сахвиё, эл юрт ғаминда ғам чекишни канда қил,
Чунки, бу эл зўравон золимга бўлган энди қул,
Билки, бу элга сенинг шеърингни қадри битта пул,
Эл учун бирлик — нажот, бирлик — таянч, Гулчехра, бил,
Бирлигиндан юз ўгирсанг, сендайин инсонга суф!

Шоира Гулчехра Нуруллаевага бағишлаб:

Зўравон подшоҳга мадҳия битса,
Замонасиз бўлиб қолса зиёли.
Ҳамма мустабиддан мурувват кутса,
Мансаб ва пул бўлса фикру хаёли.

Қотил ўз халқини қилса қатли ом,
Шоир маддоҳ бўлса, не қилар авом?,
Замона ошуби этаркан давом,
Ҳаммани алдади бу дунё моли.

Ҳақ сўз айтувчилар бари йўқолди,
Замона бошига не кунлар солди,
Фақат бир озгина одамлар қолди,
Улар ҳақиқатнинг ёрқин мисоли.

Шулардан биттаси Гулчеҳра Нурдир,
Шоиралар ичра ягона дурдир,
Унинг ёзганлари дилга манзурдир,
Шеърида акс этар эл юрт аҳволи.

Воз кечган даҳрийлар унвонларидан,
Сохта сиёсатнинг ёлғонларидан,
Шеър ёзиб қалбининг исёнларидан,
Мард бўлиб яшаган, ўзбек аёли.

Истибдод даврида кўрмай эътибор,
Эл дардин куйлаган шоир қайда бор?,
Маддоҳлар халқ дардин ёзмайди зинҳор,
Ёзар не истаса мансаб шамоли.

Кам бўлар дунёда виждони софлар,
Улар софмиз дея урмайди лофлар,
Сигмайди уларга турли ғилофлар,
Улар эрк озодлик тирик тимсоли.

Келмади уларнинг даврони ҳали,
Булутларга тўла осмони ҳали,
Бир куни бўлади имкони ҳали,
Яқиндир золимлар даврин заволи.

Қойилман бу сабру бардошингизга,
Шеър ёзасиз кириб шу ёшингизга,
Ибрат кўрсатяпсиз юртдошингизга,
Бўлса шундай бўлар, шоир зиёли,
Ўзбекнинг жонкуяр мунис аёли!

.....

Мазлум халқ қонини зулукдек сўрган,
ИАК ҳам қолмади, кетди ёронлар.
Ўргимчакдек ҳамма ерга ин қурган,
Қизига ҳам навбат етди ёронлар.

Қаранглар бу золим шоҳнинг қизларин,
Хазонлар учирсин босган изларин,
Тупроқ тўлдирсин бу тўймас кўзларин,
Эл ҳаққи буларни тутди ёронлар.

Молу дунё учун югурган чопган,
Кимнинг айбин очиб, кимникин ёпган,
Булардан ҳам кўпроқ мол дунё топган,
Қорунни қаро ер ютди ёронлар.

Кимга вафо қилган бу тахтиравон?,
Булар атрофида ҳануз саргардон,
Дунёга ҳукмини юргизган равон,
Не не ҳукмдорлар ўтди ёронлар.

Шукрки золимлар бўлмоқда расво,
Етар бу эл чеккан жабр ила жафо,
Азалдан деганлар дунё бевафо,
Айтинг кимга вафо этти ёронлар?!

Бойлар ҳам йиғлайди деган мақол бор,
Йиғласин халқ мулкин ўмарган мурдор,
Золимлар жазосиз қолмагай зинҳор,
Бу эл неча йиллар кутди ёронлар?!

Кошки ибрат олса казо казолар,
Аллоҳ одил Зотдир, бир кун жазолар,
Саҳвийдек золимдан кўп норизолар,
Хурсанд бўлиб шеърлар битди ёронлар.

29.05.2017

Бир кун баланд, бир кун паст, ўтиб борар дунё бу,
Бирма бир барчамизни, ютиб борар дунё бу.

Кўрмаганман тўйганни, пул йиғишни қўйганни,
Қочган билан қувганни тутиб борар дунё бу.

Озод бўлмадик пулдан, фарқимиз борми қулдан,
Тутдим деганда қўлдан кетиб борар дунё бу.

Турли туман можаро, тугамас экан ғавғо,
Ҳар бандага ҳар савдо битиб борар дунё бу.

Бўлса орзулар сароб, кўп чекмагил изтироб,
Ҳар куни чиққан офтоб ботиб борар дунё бу.

Югурсанг тинмай ойлаб, ҳайрон қоламан ўйлаб,
Доим ортингда пойлаб, кутиб борар дунё бу.

Заиф махлуқ одамзод, доимо чекар фарёд,
Саҳвийни қилмайин шод ўтиб борар дунё бу.

03.08.2017

Қора рўйхатдан чиққанларга:

Қоралар сафидан чиқибсан ошна,
Оқлар сафидан жой олибсан қойил.
Оқлар қилган эди қонинга ташна,
Дилинг ҳам уларга бўлганди мойил.

Муборак бўлсин бу оқлар рўйхати,
Энди сен эмассан, биз каби қора.
Қушлар учолмайди юлинса пати,
Ерда юришликка мажбур бечора.

Қоралар сафида ким бор, назар сол,
Оқлар сафидачи, айланг тафаккур.
Икковига боқиб, ўйлаб, ибрат ол,
Албатта қалб кўзинг бўлмаса гар кўр.

Оқлар бари бўлган, зўравон солим,
Қоралар мазлумдир, зулмда гирён.
Оқлар тарафида сохта шайх, олим,
Қоралар сафида холис мусулмон.

Шаҳидлар қоралар ичинда бари,
Шулар сафидадир умри хазонлар.
Шундай бўлиб келган доим илгари,
Қоралар ҳақ йўлда, бўлган қурбонлар!

Оқлар каззоблигин биласан жўра,
Бўлмагил уларга ялтоқ, пойабзал.
Уларнинг сафида бўлгандан кўра,
Қоралар сафида ўлганинг афзал.

Бу имтихон дунё, бизга синовдир,
Шайтон йўлимизга қўяди тузоқ.
Оқлар ва қоралар ўзаро ёвдир,
Қоралар оқ билан бўлмас ҳамтовоқ!

06.08.2017

.....

Бир париваш учради жинси бани одам каби,
Лекин, одам наслиданмас ўзга бир олам каби.

Қаро кўзлар қарочиклар остида сирли боқар,
Кўзларин нури чарақлар ложувард шабнам каби.

Дилимни мафтун этибдир фитналик наззораси,
Бу жасадда бор назокат ва латофат жам каби.

Нурафшон юзи тароват тарқатарди чор тараф,
Қанча сеҳру жозиба бу юзда мужассам каби.
Бошдаги рўмол яширмиш зулфини бегонадан,
Бўлмоғин кўнгил таманно айлади маҳрам каби.
Ҳаё акс этган бу кўзларга боқиш душвор экан,
Юзига солмоқ назар дил дардига малҳам каби.
Дилраболар ишқи бирла маҳлиё бўлган дилим,
Чекмагандир нола Мажнун ҳам менинг нолам каби.
Дину имонга тажовуз айлағай бу фитналар,
Не қилай қуймоқдаман дарду аламдин шам каби.
Муҳаббатга ташна қалбинг қонмади ҳеч Саҳвиё,
Борми ошиқ дилга ҳижрондин буюкроқ ғам каби.

14.08.2017

Огаҳий ғазалига мухаммаси

Кўп ситам етди бу юрт обу ҳавосидин санго,
Рози бўлгил эй кўнгил Тангри қазосидин санго,
Охират афзал бари дунё матосидин санго,
Насиб этсин охират хайри жазосидин санго,
Гар етар юз минг алам жавру жафосидин санго,
Эй кўнгул, бил яхшидур ҳижрон балосидин санго.

Ақл кутманг ишқ муҳаббат аҳлининг шайдосидин,
Дайди кўнглим кечди барча дўст ила ошносидин,
Деманг афсона манга Мажнун билан Лайлосидин,
Ошиб ўтдим мисли Мажнун Карбало саҳросидин,
Жон қачон топғай ўлук жисминг Масиҳ анфосидин,
Қилмаса гар чора лаъли жон физосидин санго.

Кўзда ёшим окди тонг чоғида шабнам ўрниға,
Келмади бир шоду хуррамлик даме, ғам ўрниға,
Ўтмағай бегоналар хилватда маҳрам ўрниға,

Қўйилған ҳар нарса бу дунёда маҳкам ўрнига,
Захминга битмак эмас мумкинки малҳам ўрнига
Ғамза ўқи етмагунча қоши ёсидин санго.

Элу юртимдан йироқда дилни ўртайди фироқ,
Доимо хуфтон дилим ёришмағай ёқсанг чироқ,
Кўзларим йўлда кутиб тоқатларим ҳам бўлди тоқ,
Биз каби афтодалар ҳолига раҳмат бирла боқ,
Ул қаро кўз боқмаса, бахтинг қароси бўлмас оқ,
Бу қаро етмиш онинг кўзи қаросидин санго.

Қоронғу кулбам ёришмас тушмаса то ламъаи,
Кошки, тундин парда юзга тортмаса то ламъаи,
Нури бирла ё чароғон этмаса то ламъаи,
Шом бўлмайдиган қуёшдин кетмаса, то ламъаи,
Шоми ҳажрингга саҳар йўқ етмаса то ламъаи,
Орази хуршидининг нуру зиёсидин санго.

Бир дили озурдаман ҳар нарса келгайдир малол,
Билмадим ноқислигимдин балки менда бу ҳаёл?,
Бандае комил манингдек ранжа бўлмас эҳтимол?,
Ҳақда бўлган эътибор этмас на бўлса қилу қол,
Йўқ жунунингга илож аҳли башардинким бу ҳол,
Воқеъ ўлмиш бир пари нозу адосидин санго.

Бўлмасин ҳаргиз ҳаётда бандаси бир қулга қул,
Бандасига банда бўлган кимсада борми ақл,
Зулфи тори дилни боғлаб олса озод бўлмас ул,
Қайсни Мажнун аталмоғига сабаб бўлди шул,
Етса гар жавру жафоси, шод ўлиб қилғил қабул,
Гар умид ўлса онинг меҳру вафосидин санго.

Банданинг жонига ноҳақ қасди жон этмак ёмон,
Лекин ноҳақ қон тўкиш дунёда мавжуддир ҳамон,

Гарчи, қотилнинг нажот топмоғи эрмиш даргумон,
Мусулмонлар мусулмонларга қилурлар қасди жон,
Қасди жон ул кўзлар этмиш, эмди йўқ чиқмоқ амон,
Бермайин жон ул ики золим аросидан санго.

Қайтмағай эр ҳеч қачон, айтган сўзидин, эй йигит,
Хатоинг тан ол, адл, инсоф юзидин эй йигит,
Мард киши мансаб била, кетмас ўзидин эй, йигит,
Юз ўғирма фақирлар нону тузидин эй йигит,
Қаррилар ҳолиға боқ лутфинг кўзидин, эй йигит,
Ким, камоли ҳусн ожизлар дуосидин санго.

Бевафо дунё экан, муддатни ғанимат билинг,
Токи имкон борида тавба қилишга интилинг,
Бўлса гар бегона сиздан, ақрабоинг, ўз элинг,
Сиз уларни барибир, ҳурмат ила иззат қилинг,
Чун каро ер ости охир бўлғусидур манзилинг,
Бас не осиф гулшани олам сафосидин санго.

Дунёдан ўтмоқда Саҳвий дардига топмай даво,
Қилган орзу ва умиди бўлмайин, мутлақ раво,
Маоний баҳринда ғаввосдек териб дур, қаҳрабо,
Бўлди девонимда пайдо, бир ажиб оҳанграбо,
Оғаҳийким, топқай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго.

.....

Саҳвий

28.07.2017

Оғаҳий ғазалига мухаммас

Тарк этибсан элни ошёнинг керакмасму санго?,
Таслим бўлдингми, шараф шонинг керакмасму санго?,
Ғам чекарсан , ашки мужгонинг керакмасму санго?,
Ошиқ ўлдинг, эй кўнгул, жонинг керакмасму санго?,
Ўтга кирдинг жисми урёнинг керакмасму санго?!

Бу кураш майдонида турмоқ керак собитқадам,
Фақат Ҳаққа бандалик қилмоққа яралган одам,
Истиқоматдан асар ҳам қолмаган сенда бу дам,
Истабон ул юз тамошосини кўздин дам-бадам,
Қон тўқарсан, чашми гирёнинг керакмасму санго?!

Шеърят изҳор қилур шоир дилин фавворасин,
Англамас эл бу хаёлот даштининг овворасин,
Дилимни ўнглам эдим, топсам агар бир чорасин,
Ҳар дам эткунг орзу кофир кўзи наззорасин,
Қил ҳазарким, нақди имонинг керакмасму санго?!

Жунун вождийсига кирган кимса соғ бўлмайди чун,
Висолидин ғайри мақсад бўлмас ишқ аҳли учун,
Боши дорга етсада даъвосидин қайтмас нечун?,
Лутфинг этдинг хаста кўнглумдин дариг, эй шоҳи ҳусн,
Бу гадои зору ҳайронинг керакмасму санго?!

Банда тақдирин билолмас, сир экан афсус, бу,
Азалда Лавҳга битилган, сақланар маҳфуз бу,
Илми ғайбни иддао қилган киши манкус бу,
Ўзгаларга илтифотинг айладинг маҳсус, бу,
Мустаҳиқи лутфу эҳсонинг керакмасму санго?!

Қойиле, сенга элим кўп ғам чекиб, дод этмадинг,
Зўравонлар дастидан вайронинг обод этмадинг,
Дарду ғамдин дарбадар фарзандларинг шод этмадинг,
Сели ғамдин хонавайрон ўлдиму ёд этмадинг,
Айтким, бу хонавайронинг керакмасму санго?!

Сахвиё ғурбатда эл юртингни қадрин билғасен,
Энди аввалги хато ишларни кўзга илғасен,
Сен назм дарёсига оққан кичик бир жилғасен,
Огаҳий ҳолин кўруб дойим тағофил қилғасен,
Шоири доноии давронинг керакмасму санго?!

29.05.2017

Маддох, лаганбардор ўзи ким?

Маддохларни ҳамма сўкади,
Ҳамма туриб эшитади жим.
Лекин, асло биров айтмайди,
Қани ўша маддох ўзи ким?!

Ҳамма сўкар лаганбардорни,
Қаршилиқ қилмас бунга ҳеч ким.
Номи йўқдир бу бадкирдорни,
Сўранг уни билмайди ҳеч ким!

Гап эгасин топар дейишар,
Бу мақолни айтган бир ғаним.
Гап эгасин топган эмас ҳеч,
Билмас ҳеч ким, гап эгаси ким?!

Топишмачоқ ўйнар одамлар,
Гапиришар қўймасдан исим.
Бундан руҳланар муттаҳамлар,
Чунки, халқ билмайди улар ким?!

Ҳақ сўз айтиш вақти келганда,
Керак эмас андиша, тиним,
Яхши бўларди эл билганда,
Маддох, лаганбардор ўзи ким?!

Номи билан гапиринг энди,
Каззоблар ҳам дам олсин бир зум.
Гапиринг ким кимлигин очик,
Ҳамма билсин, кимлар, киму ким?!

.....

Халқ шоири деган ном олган маддох,
Танқид қилибди бир шеърда АҚШни.
Булар кўп йил яшаб, бўлишган огоҳ,
Қандай қилса катталарга ёқишни.

Бир оз диний тус ҳам берибди шеърга,
Ҳамжинслик иллатин қилибди танқид.
Тулки агар ўзин ўхшатса шерга,
Ўзгаларга бўлур мохир мунаққид.

Унинг кўр кўзлари кўрмайди лекин,
Нималар бўлмоқда Ўзбекистонда?!
Булар наф бўлмаса, шеър ёзмас текин,
Шоирлар мунофиқ бўлса ёмонда.

АҚШ куфр давлат, мусулмон эмас,
Қандай яшашликни ўзлари билар.
Булар бизни элни қайғусин емас,
Ўзгалар устидан шеър ёзиб кулар.

Ёзгин, ҳижобларга бўлманг деб қарши,
Ёзи тўсманглар деб, элни намоздан.
Бундай десанг титрар подшоҳинг арши,
Айрилиб қоласан кўп имтиёздан.

Минг йиллардан бери мусулмон бу эл,
Шуни айт «мусулмон», амалдорларга.
Динга қарши жанга боғламагин бел,
Худодан кўрқ дегин, ақли борларга.

Сен асло отмайсан улар томонга,
Танқид калимасин, маломат тошин.
Қаранглар бу шоир ва устамонга,
Саломат сақласа бўлдида бошин!

АҚШни қил танқид улар имонсиз,
Улар дуч бўлади офат балога.
Бизникиларга ҳеч дема ёмонсиз,
Дучор бўлма тағин бир мубталога!

Замона сеники шоири маддох,
Сендан ҳам қолади бир куни афлок.
АҚШга жазосин берганда Аллоҳ,
Сизларни ҳам қўшиб қилмасми ҳалок?!

22.07.2017

Йўқ қилинди барча холис имомлар

Ҳамма биладиган бир ҳақиқат бор,
Бирма бир айтаман яна шу онда.
Диндорлар бўлишди зулмга дучор,
Бугунги мустақил Ўзбекистонда!

Аёлларга бўлди турли хил тазйик,
Муслима бўлсаю ўраса рўмол.
Бу нарсани айтинг яширмай очик,
Зулмга учради муслима аёл.

Болалар масжидга бора олмаслар,
Соқол қўёлмади бир эркак зоти.
Муллалар бу юртни мақтаб толмаслар,
Самога чиқишар қўймасдан шоти.

Йўқ қилинди барча холис имомлар,
Ё қамалди ёки, олиб кетди бош.
Қолган шайху, «уламои киромлар,»
Динфурушлик қилиб, ейишмоқда ош.

Динини дунёга сотганлар қолди,
Сотмагани бўлса кўрди зиёнлар.
Меҳробларни буткул эгаллаб олди,
Заҳарлик нишлари ўткир «чаёнлар.»

Ҳамма кўриб турган ҳақиқат шуки,
Бу элда мумкинмас ўқимоқ намоз.
Менинг эса, сизга саволим буки,
Қачон сизлар қилгансизлар эътироз?!

Қачон айтгансизлар қараб золимга,
«Исломга қаршилиқ қилма, деб, қачон?!

Тупурдим сизлардек, шайху олимга,
Чунки, сиз ҳақ эмас, золимлар томон!

Кўриниб турсада аччиқ ҳақиқат,
Барибир кимлардир, олмас экан тан.
Авомга қилинглари, мурувват, шавқат,
Азиз бўлса агар сиз учун ватан!

Динни сотмангизлар манфур дунё деб,
Сизларни ҳам гўрков ерга қўяди.
Еб ичиб тўймаган, жасадингиз еб,
Лаҳаднинг қуртлари бир кун тўяди.

22.07.2017

Машраб ғазалига мухаммас

Дийда гирёнман менинг дилжавҳаримни кавлама,
Дилга санчилган тиканлик наштадимни кавлама,
Кўнгил пинҳон айлаган қайғуларимни кавлама,
Эй сабо, ғамбодадурман бистаримни кавлама,
Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама.

Замона ошубидин ҳар дам шитобатлар келур,
Гоҳида бир хайрият гоҳида офатлар келур,
Ризо мулкин ушлаган касга шарофатлар келур,
Ҳар замоне Лайлидин менга китобатлар келур,
Сенки, Мажнун бўлмасанг, хокистаримни кавлама.

Аҳли Ҳақ наздида қадри борми дунё молини?,
Ғанимат билмас одамзод умри нақди солини,
Билмас аҳли офият, аҳли бало аҳволини,
Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.

Кимки ҳақ йўлда экан, дилдан йўқолмас изтироб,
Охиратдан қайғуси йўқ касни аҳволи хароб,
Ноумид бўлғай одамзод бўлса орзуи сароб,
То кишига дард тегмай бўлмади ҳоли хароб,
Дилда дардинг бўлмаса, дардисаримни кавлама.

Ҳақ йўлида назр этиб дунёни тарк этган ўзим,
Ҳақиқатни шарҳ этиб, шеър ғазал битган ўзим,
Ўз элимни тарк этиб, бошим олиб кетган ўзим,
Ҳажр ўтидин зарру офат бошига етган ўзим,
Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.

Уздинг умидинг бу олам, молу мулку жоҳидин,
Узмагил ҳаргиз умидинг Тангрининг даргоҳидин,
Ғофил бўлма, тут қўлин, Ҳақ йўлининг огоҳидин,
Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни кавлама.

Шеърият боғини ҳис туйғу била сайр айладим,
Ўй хаёлот мулкани, орзу била сайр айладим,
Дашту саҳрони кезиб оҳу била сайр айладим,
Ломаконнинг шаҳрини бир ҳу била сайр айладим,
Жаброил борғил нари, болу паримни кавлама.

Шу ғариблик даштида ўтмоқда умрим ушбу дам,
Нотавон бўлмоқдадир жисмим тобора дамбадам,
Ўз йўлингда қил мени Тангрим Ўзинг собитқадам,
Баҳри раҳматга кириб, қилдим вужудимни адам,
Маърифатдан беҳабарсан дафтаримни кавлама.

Топмадинг дардинг давосин Саҳвиё истаб вале,
Ичғали раҳмат шаробин, зориман чанқаб вале,
Зор бўлибдурман ватанни соғиниб кўмсаб вале,
Дурри дарёи маъоний бўлди чун Машраб вале,
Дийда бино бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама.

21.07.2017

Навоий ғазалига мухаммас

Дилни ишқ дарди ила қилмоқ гирифтор истадим,
Етмадим мақсадга лек, тунларда бедор истадим,
Топмадим дардин давосин гарчи такрор истадим,
Қон ютуб умри жаҳон аҳлида бир ёр истадим,
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Мен хаёл оғушида сарсон кезарман субҳидам,
Топмагай дил мақсадин ким бўлмаса собитқадам,
Шоири девонаман руҳим паришон ушбу дам,
Кимга ким жоним фидо айлаб соғиндим дамбадам,
Эрмас эрди ёрликда чун вафодор, истадим.

Кўрганим ушбу ҳаётда турли хил жабру жафо,
Кимгадир қисмат машаққат, кимгадир кайфу сафо,
Англасакда ушбу олам аҳли бўлган бевафо,
Билмадим олам элида йўқтурур мутлақ вафо,
Ваҳки, умрим улча йўқтир соғиниб ёр истадим.

Ҳар неки битмиш қазо таҳтинда бир ҳикмат кўринг,
Сабр этиб имкон қадар охир бориб иззат кўринг,
Бизга берилган ҳаёт аслида бир муҳлат кўринг,
Улки, топилмас башар жинсида ваҳ ғафлат кўрунг,
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Оразини васф этиб мисли қуёш этмак нетонг,
Ёхуд анжуму ҳилолни, кўзу қош этмак не тонг,
Васлини истар дилимни, хомталош этмак не тонг,
Сирри ишқимни кўнгул кўз бирла фош этмак не тонг,
Қалбу тардоманни мен чун соҳиб асрор истадим.

Ожизу афгорлигим тан олдим айбим ёпмадим,
Масжиду меҳроб сари, жидду жаҳд ила чопмадим,
Хоби ғафлатдан дилимни, то ҳануз уйғотмадим,
Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлуқ топмадим,
Дайр пири хизматиға кўйи хаммор истадим.

Ибрат олгил Саҳвиё, ҳар бир эшитган қиссадин,
Саъй этиб қолма қуруқ, хайру савобу ҳиссадин,
Асар қолмас бир куни, жону жасадин, жуссадин,
Эй Навоий, чун рафиқи топмадим, бу ғуссадин,
Ўзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

23.07.2017

Фузулий ғазалига Саҳвий мухаммаси:

Ҳуш ёр ўлса, ўзимга эътибор этмазмидим?,
Бандаликни менда то имкони бор этмазмидим?,
Ғубор босган дилни ашқдин беғубор этмазмидим?,
Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмазмидим?
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмазмидим?

Муаммоинг кўп бўлур бўлса юқори мансабинг,
Йўлда қолмай, қошки бир манзилга етса маркабинг,
Эй кўнгил, нелар ҳаётда бўлди етмоқ матлабинг?,
Лаҳза-лаҳза суратинг кўрсайдим, ул ширин лабинг,
Сан киби эй Бесутун, ман ҳам қарор этмазмидим?

Олди имонимдаги таъмни, мани маҳрум эдиб,
Кимга берди ишқидан ғамни, мани маҳрум эдиб?,
Элга берди хотири-жамни, мани маҳрум эдиб,
Неча маҳрам айлади шамъни, мани маҳрум эдиб,
Бан санинг базмингда жон нақдин нисор этмазмидим?

Азалдан Ҳақ аҳли бу дунёда хору — зордир,
Чунки, Ҳақ аҳли бўлишнинг ушбу шарти бордир,
Бандалар савдо қилур, дунё эса бозордир,
Дардими оламда пинҳон тутдигим ночордур,
Ўғросайдим, бир табиба ошкор этмазмидим?

Кошки менда энди дард, ғам, кўрмага ўлсайди сабр,
Бунча мазлум кўзида нам, кўрмага ўлсайди сабр,
Ўзимни ғурбатда бир дам, кўрмага ўлсайди сабр,
Ёр ила ағёрни ҳамдам, кўрмага ўлсайди сабр,
Тарки ғурбат айлаюб, азми диёр этмазмидим?

Менинг ғариб ҳолими танҳолиғимдан қил қиёс,
Шеър ила назм аҳлига шайдолиғимдин қил қиёс,
Охират ғамига бепарволиғимдан қил қиёс,
Воизинг куфрин маним расволиғимдан қил қиёс,
Анда сидқ ўлсайди, бан такво шиор этмазмидим?

Энди кенг имконни кўрмак, мумкин ўлсайди манга,
Туғилган ошённи кўрмак мумкин ўлсайди манга,
Дўст ила ёронни кўрмак, мумкин ўлсайди манга,
Ул гули хандонни кўрмак мумкин ўлсайди манга,
Сантак эй булбул, гулистона гузор этмазмидим?

Саҳвиё, мақсад юпатмоқдир, паришон кўнглими,
Чунки, бу дунё ғами қилди, қизил қон кўнглими,
Энди хотиржам қилишга, борми имкон кўнглими?,
Эй Фузулий, доғи ҳижрон бирла қолғон кўнглими,
Лолазор очсайди, сайри лолозор этмазмидим?

21.07.2017

Ўчмагайдир нур зиёси бу элнинг

Қизилкумнинг саҳросида жойлашган,
Жайхун ва Сайхун дарёси бу элнинг.
Тарихи бир неча минг йилдан ошган,
Туркий қавмлар шайдоси бу элнинг.

Оташпараст бўлган қадимги Турон,
Ҳақ дин келганида келтирган имон,
Минг йиллардан бери яхшими ёмон,
Тинмайди ҳеч можароси бу элнинг.

Омонсиз жангда бош олиб, бош бериб,
Дўстига ҳам душманга ҳам ош бериб,
Мўғулларнинг босқинига дош бериб,
Сони йўқ чеккан жафоси бу элнинг.

Эсланг Хоразмшоҳнинг замонини,
Мўғул келиб тўкди элнинг қонини,
Йўқ қила олмади дин имонини,
Кофирларнинг истилоси, бу элнинг.

Нелар бўлиб ўтди, яратган шоҳид,
Қанча тариқатлар обиду зоҳид,
Тарихларда қолган буюк мужоҳид,
Жалолиддинлар бобоси бу элнинг.

Юксалди тарихда шавкати шони,
Асрларга татир илмий унвони,
Қиёматга қадар ўчмас имони,
Бухорийлар раҳнамоси бу элнинг.

Унутмагил ўзлигингни эй фарзанд,
Тарихларни ўқиб, ол насихат, панд,
Темурбек пойтахти бўлди Самарканд,
Буюк саркарда пешвоси бу элнинг.

Бобуршоҳ тарк этиб кетган диёр бу,
Навоий васф этиб кетган диёр бу,
Улуғбек забт этиб кетган диёр бу,
Ўчмагандир акс садоси бу элнинг.

Кейин бошлангандир бизда инқироз,
Тарихий далилга йўқдир эътироз,
Ўчта хонлик бўлиб, яшадик бир оз,
Мана шу, катта хатоси бу элнинг.

Заифлашдик борган сари тобора,
Ўзаро урушиб бўлдик оввора,
Русга қарам бўлдик, биз бора бора,
Шу бўлди олган жазоси бу элнинг.

Кейинроқ даҳрийлар бўлди ҳукмрон,
Шунда пайдо бўлди, бу «Ўзбекистон»,
Шу ном билан яшаб келмоқда ҳамон,
Шу экан, тақдир қазоси бу элнинг.

Кейин, Ўзбекистон, бўлди мустақил,
Гарчи бовар қилмас, бунга ҳеч ақл,
Тақдир ўйинига қараб фикр қил,
ИАК ҳам бўлди подшоси бу элнинг.

Чорак аср қилди элга истибдод,
Бу золим дастидан эл қилди фарёд,
Тарихни унутмай, қилмоқ керак ёд,
Адо бўлмас тамошоси бу элнинг.

Қанча одам элдан олиб кетди бош?,
Қанча халқ турмада кўздан тўкар ёш?,
Жафо чекди элда барча қари ёш,
Тинмайди оҳу навоси бу элнинг.

Дардимни дастурхон этай шу чокда,
Мен ҳам ўтирганман унда тузоқда,
Агарчи бўлсамда бугун узоқда,
Менинг кўнглим маҳлиёси бу элнинг.

Ҳукмрон бўлганда юртда разолат,
Юртни босди буткул бидъат жаҳолат,
Топган эмас подшоҳидан адолат,
Ҳеч вақт фақир фуқароси бу элнинг.

Кимлар давру давронини сурибди?,
Кимлар умид қилиб кутиб турибди,
Чет элларда қанча дайдиб юрибди,
Мазлум ғариб ғурабоси бу элнинг?!

Йўқ қилинди қанча, уламо имом?,
Ўз халқини қилди қотил қатли ом,
Тирикликда топган эмас эҳтиром,
Холис олим, уламоси бу элнинг.

Бугун ўтмишидан узулди миллат,
Авж олди бу элда турли хил иллат,
Келмагунча адолат ва ҳуррият,
Дардига йўқдир давоси бу элнинг.

Энди подшоҳ бўлди элга Мирзиё,
Ажабмас, шу билан, келса нур, зиё,
Мозийни унутма ҳаргиз Саҳвиё,
Тарихдан ўчмас зиёси бу элнинг.

.....

Бир томонда ИШИД, бир тараф Ҳизбут,
Халифат қуришни қилдилар шиор.
Ўз йўлида булар турдилар собит,
Лекин, манҳажиди, ихтилофлар бор.

ИШИД эълон қилди ўз халифатин,
Ҳизбут эса уни айлади инкор.
ИШИД англари эди, Ҳизбут ниятин,
Биларди, улар тан олмайди зинҳор!

Агар Ҳизбут курса, бир кун Халифат,
ИШИДчи учун бу Халифат бекор.
Уммат учун бўлди булар бир офат,
Уммат кўп балога бўлдику дучор.

Ислом оламида яна бир қанча,
Турли туман гуруҳ, фирқалар бисёр.
Уларни тан олмас булар ўлгунча,
Парокандаликка бўлдиқ гирифтор.

Халифа умматни бирлаштирар деб,
Ушбу тоифалар айтади такрор.
Шуни деб, бир бирин ётишибди еб,
Булар бирлашиши кўп қийин, душвор.

Ислом умматининг катта бир қисми,
Ҳали ҳеч нарсадан эмас хабардор.
Мусулмончиликни қолгандир исми,
Динга қаршилигин қилади ошкор!

Ҳеч ким ҳеч нарсага ақли етмайди,
Фитналардан холи йўқ битта диёр.
Ўйлаганим билан ўйим битмайди,
Қачон бўлар элда, тинчлик барқарор?!

Шундай қилиб ўтиб кетаётирмиз,
Инқироз аниқдир, уммат бўлди хор!
Нима қилишликни билмаётибмиз,
Бир йўл кўрсатмаса, гар Парвардигор!

18.07.2017

Бўлмасин менга агар шу «бахт» деган, ёр — бўлмаса,
Бўлмасин, менга қўйилган айб бекор — бўлмаса.

На ватанда, на ғурбатда офиятни топмадим,
Бўлмас оламда адолат, бандада бор, — бўлмаса!

Демас эдим, мен ажиб қисматга соҳиб бандаман,
Кутмаган жойдан балолар менга дучор бўлмаса.

Топмадим имкон етишмоқлик учун мақсадга йўл,
Бу тириклик ташвиши на бунча бисёр бўлмаса?!

Қанча кўп бўлса танишлар, шунча кўп ташвишу ғам,
Дўстларингдан душманинг кўпроқ дилозор бўлмаса.

Бир умр хилватда ўтган кимсага қилдим ҳавас,
Кошки, эл дунёда боримдан хабардор бўлмаса.

Мен ҳаётимни яшаб бўлдим қолибди энди кам,
Қўрқаман Саҳвий бу элларда қолиб хор бўлмаса.

18.07.2017

Толёй йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишники, айладим – хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

(1483-1530)

.....

Элу юртдан шоҳи Бобурдек, жудо бўлдим нетай?,
Мен унингдек шоҳ эмас, муфлис гадо бўлдим нетай?!

Қирқ етти ёшига етмай кетди Бобур дунёдан,
Мен бу ғурбатда хануз ўлмай адо бўлдим нетай?!

Толёйим йўқ деса, ўзга юртда шоҳ бўлган киши,
Мен не дерман, айна дардга мубтало бўлдим нетай?!

Ўзга элда шоҳ бўлишдан, ўз элинг афзал экан,
Шоҳи Бобур сўзидин мотамсаро бўлдим нетай?!

Юртини тарк этсалар, султон, вазирлар, шоҳлар,
Мен киму, тақдирни ҳукмига ризо бўлдим нетай?!

Ўз элимни тарк этиб, ғарб сори йўл солдим букун,
Эй Худо, раҳм этмасанг, юзи қаро бўлдим нетай?!

Раҳматинг муҳтожидир Саҳвий, Ўзинг бергил мадад,
Залолатда сарбасар жони фидо бўлдим нетай?!

Муносабат

Гарчи ҳозирча, «президент, Мирзиё» дерман сени,
Элга зулм этсанг ИАҚдек, «рўсиё» дерман сени.

Барча мазлумларни қил озод, тарахҳум кўрсатиб,
Мирзиёмас шунда «элга, нур, зиё» дерман сени.

Элга кўрсатгил адолат, бериб золимга жазо,
Ошкор қил яхшиликлар, «берие» дерман сени.

Алдама халқни ИАҚдек, сохта ёлғонлар билан,
Алдасанг, «каззоб, уятсиз, беҳаё» дерман сени.

ИАКни айбин бекитмай, элга ошкор айласанг,
Ўзгаларни билмадим, мен «авлиё» дерман сени.

Қизларинг эл қонини ичса, ИАКнинг қизидек,
«Юртимиз бошига келган, аждаҳо» дерман сени.

Кишанларни парчалаб, бу элга эркинликни бер,
«Мазлум элга буюклик, берган, даҳо» дерман сени.

Борида имкон ғарибларга карам кўрсат бугун,
«Охиратни ўйлаган, ақли расо» дерман сени.

Унутмагил, сенга ҳам қилмас вафо, бу тожу — тахт,
Бу ҳақиқатни унутсанг, «ашқиё» дерман сени.

Хулоса қилмоққа шошмасдан кутар Саҳвий бугун,
Шунга ҳозирча «президент Мирзиё» дерман сени.

.....

Инсон умри дунёда, қисқадир, бир муддатдир,
Бу ҳаётнинг мазмуни, Яратганга хизматдир.

Худо бир, охират ҳақ, мўминларнинг йўли шу,
Бундан бошқа ақида бир пулга ҳам қимматдир.

Элу юрт ватан миллат, инсон учун қадрли,
Булар ғамини еган инсон олий ҳимматдир.

Адолатли бўлмаса, иш бошини тутганлар,
Биламизки бундайлар эл юрт учун кулфатдир.

Бири бирига душман, одамизод азалдан,
Айни вақтда булар, бир бирига неъматдир.

Яхши ёмон, оқ қора, курашади доимо,
Ҳикмат шуки, зиёнинг муқобили зулматдир.

Тенг тенги тезак қопи билан бўлар деган эл,
Демак, золимдир кимки, золим билан улфатдир.

Дунёда қадриятлар бари ўткинчи бироқ,
Йўқолмас бир қадрият, бу инсонга ҳурматдир.

Саҳвий орзуси доим ватанда яшамоқдир,
Лекин, ҳозирча тақдир насибаси ғурбатдир.

14.07.2017

Бефарқлик иллоти

Мени ўзгартирмоқчи бир дўст,
Билимдонман дея, ўйлайди.
Илон гўё ташлагандек пўст,
Менга ўзгаришдан сўйлайди.

У ўзини қилганмиш ислох,
Фақат ўзи билан экан банд.
Бошқа одамлар яшар гумрох,
Тушунмас у айтсада гарчанд.

Ўқир экан мени шеърларим,
Англади дилим оғритган ғамни.
У билган мен бир кўнгли ярим,
Аритмоқчи кўзимдан намни.

Менга дерки: керакмас қайғу,
Ўзин ўйлаш керак одамзод.
Керак эмас ҳеч ғамли туйғу,
Шод яшайлик қилмасдан фарёд.

Мен сўрадим агар мен кўрсам,
Суриялик гўдак суратин.
Раво бўларми шу қайғурсам,
Беихтиёр шеър ёзиб айтинг.

Менга дерки: керакмас асло,
Уни кўриб тушмоқлик ғамга.
Уни кўриб турибди Аллоҳ,
Ҳожат йўқ ғам чекиш одамга.

Ўлса ўлсин, қаерда, кимдир,
Ўйламасдан яшаш керак шод.
Сен ўзингни ўйлаш лозимдир,
Худо хоҳласа қилур обод!

Мана қайда шод яшаш сири?,
Бу сирни мен тушундим, аммо.
Бу дунёнинг доим кам бири,
Тугамайди ҳаргиз муаммо!

Пайғамбарлар қиссасин ўқиб,
Тушунганим шуки, қуръонда.
Буюк зотлар фалсафа тўқиб,
Шод юрмаган ҳеч бир замонда.

Элу юрти уммат дардидан,
Бўлган эмас диллари холи.
Андуҳ аримаган қалбидан,
Шундай расулларнинг аҳволи.

Фақат ўзин ўйлаб яшашлик,
Худбинликдан бошқа нарсамас.
Буни номи асли пасткашлик,
Буни номи бошқача эмас.

Менга тўғри келмади бу йўл,
Мен ҳам чекмай яшайолмайман.
Раддиямга сен ҳам тайёр бўл,
Маслаҳатинг ҳаргиз олмайман.

Элу юртни уммат ғамини,
Кўриб, куйиб, сўйлаб ўтарман.
Насиҳатгўй олсин дамини,
Доим ғамим куйлаб ўтарман.

14.07.2017

Кеча кундуз тинмайин ишлаб қуригай силлалар,
Кимга вафо қилди айтинглар кумушлар тиллалар?!

Авом гар дунёга алданса мулла қайтарар,
Ким қайтарар пул дея тинмай югурса муллалар?!

Ким айбдор гар бу элда дин диёнат қолмаса?,
Ҳаққамас ботилга хизмат қилса катта саллалар?!

Юрт кезар ота она фарзандига безътибор,
Тебратиб бешикни айтмайди онаси аллалар.

Эрида йўқдир ҳамийят хотинида шарм ҳаё,
Ясаниб кўча кезар кийган кийимлар ҳуллалар.

Маънавий моддий жиҳатдан инқирозга учрадик,
Бугун қуръондан қаранг афзал дейилгай яллалар.

Қиёматнинг аломатлари аниқдир шубҳасиз,
Бизни аҳвол кўрсатар келди ўшандай паллалар.

Биз авомни ақли етмас нажот йўли қайдадир?,
Нега кўрсатмайди бизга йўл, ақлли каллалар?!

Саҳвиё, йўлин йўқотган кимса топмайди нажот,
Бизга устозлик қилар, энди сариқлар, маллалар.

16.07.2017

Диндан асар қолмаган асло,
Югурамиз дунё ғамин еб.
Мақтанамиз тинмайин, аммо,
Бухорийнинг авлодимиз деб!

Адо бўлди миллат батамом,
Қолмадику номуси ори.
Мақтанишни билади авом,
Бизнинг бобомиз деб Бухорий.

Динга қарши курашда турди,
Собитқадам, юртбошиси ҳам.
Бухорийга макбара курди,
Не дейишни билмайди одам.

Болаларни масжиддан тўсиб,
Аёлларга хижоб ўратмай.
ИАК кетди охир қон кусиб,
Бухорий дейишга уятмай.

15.07.2017

Қарсак чалиш мумкинмас дея,
Буйруқ берди янги юртбоши.
Бу қандай гап қотдику мия,
Қарсак чалар қарию ёши.

Унга атаб қўшиқлар битиш,
Маън қилинди дейилди гўё.
Уни мақташга тушиб кетди,
Хонандалар булбулигўё.

Гап эшитди суд ҳам мулла ҳам,
Битта қўймай юлинди патлар.
Ҳатто ундан омон қолмади,
Сенаторлару депутатлар.

Унинг ўзи танҳо мунаққид,
Ким ҳам унга қилар эди дўқ?!
Ким ҳам қила оларди танқид?,
Мақташликдан бошқа чора йўқ.

15.07.2017

Бир тушунча

Бир тушунча бордир бу элда,
Эшитиб қоламиз ҳар замон.
Нима эмиш, бизларнинг юртда,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон!»

Бу ақида моҳиятига,
Мен тушуна олмасман ҳамон.
Ёмон гап йўқ, подшоҳ отига,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон!»

ИАК деган, бадбахт ҳам кетди,
Зулмидан эл қолмади омон.
Уни мақтаб ҳамма шеър битди,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон!»

Тушунмайман бу одамларга,
Гапларига қоламан ҳайрон.
Дерлар: тош отма «додам»ларга,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон!»

Шу золимни даврида ҳайҳот,
Қонга ботган эди Андижон.
Шу гапми ростми айтинглари, наҳот?,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон?!»

Чорак аср қилди истибдод,
Турмаларда оққан эди қон!
Бу эл айтар, чексада фарёд,
«Подшоҳ яхши, мулозим ёмон!»

Ёмон подшоҳ бўлармикан ҳеч,
Яхшимикан, Фиравну Ҳомон?!
Тушунинг то бўлмай туриб кеч,
«Подшоҳ ёмон, мулозим ёмон!»

15.07.2017

Соғинч

Азиз ота — онам, меҳрибонларим,
Сизни соғинаман ҳануз беомон.
Дилимга сиғмайди пушаймонларим,
Мен дийдорингизга интиқман ҳамон.

Нима деб оқлайман қаро юзимни,
Ватанга йўл бермас золимлар омон.
Шеърларимга ёзай, айтар сўзимни,
Сизларни соғиниб, йиғларман ҳамон.

Ғурбат диёрида ўтмоқда умрим,
Қавму қариндошинг бўлмаса ёмон.
Баъзида ўзимни алдайман ўзим,
Ҳижрон мени ўртаб, қийнайди ҳамон.

Неварангиз униб ўсмоқда мана,
Кўрмайин кетдинглар, ота — онажон.
Қисматда бормикан учрашмоқ яна,
Умидим узмадим Аллоҳдан ҳамон.

Бизга зулм этган золим ҳам охир,
Кетди сизлар кетган, қабристон томон.
Ҳалиям адолат бўлмади зоҳир,
Ҳақиқат барибир ғарибдир ҳамон.

Хоки пойингизни қилсам тўтиё,
Дилимда кетмаса эди, шу армон.
Зулматлар қаърини ёритиб зиё,
Дилларни мунаввар қилмади ҳамон.

Шундай оғир бўлди бизларни қисмат,
Шундай адолатсиз бўлдику замон.
Охир тақдиримиз бўлдику ғурбат,
Хушхабардан дарак келмайди ҳамон.

Азиз ота — онам, меҳрибонларим,
Сизни раҳмат этсин, Раҳмли Раҳмон.
Мен ҳам ўтаяпман бир кўнгли ярим,
Сизларни эслайман соғиниб ҳамон.

Бу дардим кетади мен билан ўлсам,
То тирик эканман, кетмас ҳеч қачон.
Шояд жаннатида сиз билан бўлсам,
Менга таскин берар шу умид ҳамон.

Сиз доим Саҳвийнинг дуосидасиз,
Сизни ҳурмат билан эслайман ҳар он.
Ҳатто неварангиз ҳам ёдидасиз,
Соғиниб соғиниб эслаймиз ҳамон!

Аллоҳ раҳматига олсин ота онамни ва барча имон билан ўтган аجدодларимни ва барча
мўминларни. Жаннатда бирга бўлишни насиб этсин! Омин.

2017.07.14

Қишлоқи дер мени бир ўғри,
Шаҳарликка ўхшар сиёки.
Нима дейман, бу гапинг тўғри,
Лекин, Мирзиё ҳам қишлоқи!

Қанча ёзувчилар шоирлар,
Қишлоқидир Набижон Боки.
Кимга қолган бўлсак қоиллар,
Бўлиб чиқар таги қишлоқи.

Одамизод қилар ихтилоф,
Айланаркан Фалакнинг тоқи.
Агар десам бўлармикан лоф,
Кўплаб, буюк зотлар қишлоқи?!

Инсоният йўлин ёритди,
Даҳоларнинг ақл маёки.
Ўтмишда ҳам, ҳозирги кун ҳам,
Истеъдодлар бари қишлоқи!

Шаҳар аҳлин боқади доим,
Чарчоқ билмас деҳқон аёки.
Шундай яратгандир Худойим,
Меҳнаткашлар бари қишлоқи.

Не сеҳри бор, шаҳарлик билмас,
Чўпон қўлидаги таёки.
Шаҳарлик ҳам, шаҳар ҳам бўлмас,
Бўлмаса қишлоқ ва қишлоқи!

.....

Бўйдоқлар ўқимасин:

Уйланмаган йигитни қиши ҳеч бўлмайди ёз,
Африкага борсаям ҳеч ёзи ўтмайди соз.

Ёлғиз одамни қандай тўлсин кўнгли дунёда,
Тоза одам бўлсаю, яна ўқиса намоз?

Уйланмаган йигитдан шубҳаланар ўзбеклар,
Лўттивозларга фақат бордир бундай «имтиёз.»

Ўзбеклар номусли эл, Европалик эмаслар,
Уйланмаган йигитлар топилади жуда оз.

Эркак зоти албатта уйланмоғи лозимдир,
Эплай олсанг иккита, учта уйлан, эй шоввоз.

Қари қизлик уятмас, бўйдоқ юриш уятдир,
Бўйдоқ юрмайди йигит, уяти бўлса оз моз.
Бўйдоқ юрмасин эркак, эрсиз қолмасин қизлар,
Булар иттифоқ бўлса, жамият бўлар мумтоз.
Фитратлари бузилса, фасод бўлар одамзод,
Қанотсиз қуш узоққа қилаолмайди парвоз.
Муаммо кўп хотин эр, эр хотинни топишда,
Лекин топилар бир кун, мақсаддан кечмасанг воз.
Сизларга даъватим шу, уйланинглар бўйдоқлар,
Аввал ҳам айтган Сахвий, эслатади қайта боз.

12.07.2017

Ҳақ қайсию, ноҳақ қайси, билмасанг,
Билганинга ўзинг амал қилмасанг.
Кўз юмиб очгунча тугар ҳаётда,
Чақмоқ каби, зулмат бағрин тилмасанг,
Сени бор йўғингни нима фарқи бор?,
Бу ҳаёт беҳуда ўтади бекор!

Ботил учун югурмасанг елмасанг,
Бировни йиғлатиб, ўзинг кулмасанг.
Яхши ёмон, турли синов келганда,
Собит турсанг, ҳеч жойингдан жилмасанг.
Шундай одамларга эҳтиёж бисёр,
Шулар билан турар, олам барқарор!

.....

Мендан чиқмас шоири маддох,
Мен қафасда сайрамаганман.
Шоир бўлиб шеъри ёзишимни,
Ростин айтсам ўйламаганман.

Болалигим ўтди қишлоқда,
Чўлда шаҳарлардан узоқда,
Меҳрим синган сигир бузоқда,
Ўйнаб қулиб яйрамаганман.

Кейин ахвол ўзгарди бир оз,
Мумкин бўлди ўқимоқ намоз,
Сайлов бўлди эркинроқ бир оз,
Мен ҳеч кимни сайламаганман.

Кейин бўлдим масжидда имом,
Даъват қилдим эшитди авом,
Тузум мендан олди интиқом,
Мен ёмонлик айламаганман.

Мен қамокда қўрқмаган эдим,
Нима билсам ўшани дедим,
Турмаларда калтаклар едим,
Кечиринг деб войламаганман.

Узоқ йиллар сарсон саргардон,
Умрим ўтди турмада хазон,
Ҳол сўрашга келмас бир инсон,
Келарми деб пойламаганман.

Кўрдим ғамга ботган руҳларни,
Турли фирқаю гуруҳларни,
Баттар бўлсин дея буларни,
Бир бирига қайрамаганман.

Не кунларни кўрмадик эй воҳ,
Барчасига яратган гувоҳ,
Ўзгаларга ўқирдим никоҳ,
Лекин ўзим тўйламаганман.

На мол топдим на фарзанд аёл,
Буни ҳатто қилмасдим хаёл,
Ўларман деб балки, эҳтимол,
Ноҳақ сўзни сўйламаганман.

Менда бугун бордир кўп неъмат,
Фақат Тангрим қилди марҳамат,
Золимлардан кутиб бир ҳиммат,
Ёлғон куйни куйламаганман.

Энди менда эрк озодлик бор,
Лекин бу юрт бегона диёр,
Ҳижрат йўлин қилиб ихтиёр,
Белбоғимни боғламаганман.

Қайда қолар билмам танамни,
Яшираман кўзимда намни,
Фарзанд бўлиб ота онамни,
Ишончини оқламаганман.

Бугун бизлар ватан хоини,
Топармикан ҳақ ўз жойини?,
Мен ИАКнинг оқсаройини,
Маддоҳ бўлиб мақтамаганман.

Бугун умидворман қайта ман,
Юртга ғолиб бўлиб қайтаман,
Тилга нима келса айтаман,
Пинҳон қилиб сақламаганман.

Саҳвий дардин шеъримга солдим,
Фироқ дардин чекишдан толдим,
Доим мазлум тарафин олдим,
Золимларни ёқламаганман!

11.07.2017.

Нега бунча бўласан нолон,
Ахир шу эмасми имтихон?
Пайғамбарлар йўли ҳам шудир,
Маломатга дуч бўлур инсон!
Ҳайрон бўлма сен бунга укам,
Ахир бу дунёнинг бири кам.

Ўзларини санаб қалби соф,
Кўп одамлар урадилар лоф.
Бори шудир ушбу дунёнинг,
Тугамайди ҳаргиз ихтилоф,
Булар сенга қилмасин алам,
Ахир бу дунёнинг бири кам.

Ҳасад билан бошланар фасод,
Бўлур ҳақнинг бозори касод.
Унутмагил эй биродарим,
«Инна Роббака лабил мирсод!»
Бохабардир халлоқи Олам,
Шаксиз бу дунёнинг бири кам.

Қилишар кўп сир асроринг фош,
Тополмассан бир яқин сирдош.
Шайтон тузоғига тушганда,
Душман бўлар, қавму — қариндош.
Шундай бўлиб келган олдин ҳам,
Ахир бу дунёнинг бири кам!

Сабр қилгил, бўлма шошқалоқ,
Ҳақ қарор топади бир кун боқ!
Сенга насиҳат қилдим, аммо,
Ўзимнинг ҳам тоқатларим тоқ!
Шундай яшар эканда одам,
Чунки, бу дунёнинг бири кам!

.....

Мени доим бадном қилган эй кимса,
Сенга тушунаман, ҳайрон эмасман.
Гапиравер истаганингча,
Бундан дили вайрон эмасман.

Беайб Парвардигори олам,
Унга менинг муножот, нолам,
Оқарсада сочимда толам,
Маъсиятдан омон эмасман.

Бўлмасамда сендек мулойим,
Менга имон берган Худойим,
Фақирликда яшадим доим,
Фиравн била Ҳомон эмасман.

Менда хатою гуноҳ бисёр,
Қалбим мағфиратдан умидвор,
Менинг битта фазилатим бор,
Мен золимлар томон эмасман.

Мен гап эшитганман доимо,
Ҳақоратлар эрмас муаммо,
Ёмонлигим тўғридир, аммо,
Мен сенчалик ёмон эмасман.
Мен золимлар томон эмасман.

11.07.2017

Бўлмади тинч хотирим дунёни ғам фикри билан,
Кошки ўтсайди бу вақтим, Тангрининг зикри билан.

Олди биздан ихтиёрни, энди дунё ташвиши,
Одамизод чалғиди бу молу мулк сеҳри билан.

Биз каби осий ва ғофилларни очсин кўзини,
Ўтмасин беҳуда бу фурсат лағв меҳри билан.

Кимки, мазлумларга то, раҳмат назар солмас экан,
Бир куни тутгай уни қудратли Зот қаҳри билан.

Нотавон мазлум ғарибларга раҳм қилгай Худо,
Фиравнларга кифоя айласин наҳри билан.

Бир мусулмон ўлкада юртбоши динсиз бўлмасин,
Бошимизга келмасин энди синов даҳрий билан.

Гар ватанда тикласак бир кун адолат туғини,
Фахр қилсак арзигай, миллат, ватан фахри билан.

Адолат ва эрк шиори бўлса бу элнинг мудом,
Намозда омин десак, баланд овоз жаҳрий билан.

Заҳар дек аччиқ каломинг — демангиз — Саҳвий сени,
Баъзи иллатга даво бўлгай, илон заҳри билан.

10.07.2017

Ё раб, азобинг ҳақ!
Қудратинг бешак.
Агар авф этмасанг нажотим йўқдир.
Устига китоблар ортилган эшак,
Каби бир махлуқман, саботим йўқдир.

На топдим тоату тақвога имкон,
На сенинг йўлингда нисор этдим жон,
Менинг иддаоим ҳаммаси ёлғон,
Даргоҳинга лойиқ бисотим йўқдир.

Абас ўтмоқдадир умри азиз ҳам,
Кўтармайди энди жасадни тиз ҳам,
Бир кун тарих бўлиб қолармиз биз ҳам,
Йўқ бўлса, беш кунлик ҳаётим йўқдир.

Мен ҳам бандаликни қилдим иддао,
Ва лекин, мақсадим бўлмади раво,
Ўзинг қилмасанг бу дардимга даво,
Менинг чин бандалик, сифотим йўқдир.

Фитналик бўлди кўп даври замона,
Ақлини йўқотган Саҳвий девона,
Нафсим истагида бўлиб парвона,
Сендан қилган ҳаё уётим йўқдир.

09.07.2017

Мен кўрган азобларнинг доғи ҳали кетмади,
Дилда қолган аламли яраларим битмади.

Ватанимда яшашни истагандим ҳамиша,
Тақдир қазони қаранг, бу ҳам насиб этмади.

Бу ғурбат диёринда яшаяпман умидвор,
Ўзгаришлар бўлсада, навбат бизга етмади.

Ҳалиям ўша ўша, ўзгармади бу аҳвол,
Золимни ер ютсада, малайларни ютмади.

Кузатиб юртим ҳолин, паришондир хаёлим,
Мирзиё ҳам адолат, имон йўлин тутмади.

Бу омонат дунёдан, кутиб кутиб ўтармиз,
Ким борки бу дунёдан, кутиб кутиб ўтмади?!

Яхшиликдан умидин, узмай яшайди Саҳвий,
Фақат Иблис Аллоҳдан яхшиликни кутмади.

Устозни эслаб:

Бир фидоий инсон, ҳофизул қуръон,
Дунёда ёруғ кун кўрмай кетдилар.
Ҳақда собит туриб, чиққунича жон,
Ботилнинг измида юрмай кетдилар ..

Чек қўйиб қанчалар ширку, бидъатга,
Хурофот дейилган асрий иллатга,
Ибратлар қолдириб мазлум миллатга,
Тутган ҳақ йўлидан қайтмай кетдилар.

Бошдан оёқ олам кураш беомон,
Кимда йўк, кимдадир саломат имон,
Кимлар ҳақиқатни, билсада чандон,
Одамларга ҳақни айтмай кетдилар

Кўпларни синдирди, мансаб ила мол,
Кўпларни алдади фарзанду аёл,
Кимлар ҳақда собит, турдилар ал ҳол,
Кимлар ўз аҳдида, турмай кетдилар.

Синовли дунёдир, синовли дунё,
Кимлар учун чиндир, кимгадир рўё,
Оойиб бўлсалар ҳам, тирикдек гўё,
Бу дунёдан кўнгли тўлмай кетдилар.

Ҳақни танитай деб, элга авомга,
Дучор бўлди турли лақаб бадномга,
Лойиқ бўлсалар ҳам иззат икромга,
Дунёдан иззатни топмай кетдилар.

Ҳар хил бўлар экан, банда имони,
Собитлик бўлмаса, бу энг ёмони,
Ҳақ йўлинда қурбон бўлсада жони,
Динини дунёга сотмай кетдилар.

Тавҳид дарсин бериб Ўзбекистонга,
Тўлдириб эл қалбин, дину имонга,
Аҳли тавҳид бўлган ҳам мусулмонга,
Устозлик қилганин кўрмай кетдилар.

Дин учун офатдир, фисқ ила фасод,
Кўпларнинг бозори бўлдику касод,
Кимлар йиғлаганда, кимлар бўлди шод,
Кимларнинг омади чопмай кетдилар.

Кимлар ўтди суриб даври давронин,
Ким кетди бағишлаб ҳақ учун жонин,
Афзал деб охират шараф ва шонин,
Дунёдан давронин сурмай кетдилар.

Зорим бору зўрим йўқ мени,
Хатоларим олаяпман тан.
Бўлар эди кўнглим тўқ мени,
Сен ҳам топиб олсанг бир ватан.

Армонларинг ушалар бир кун,
Ғамлар тугар оқибат охир.
Зухродек қиз бўлганинг учун,
Сени кутар қайдадир Тохир.

Йўлларинга нур сочсин қуёш,
Омадинг ёр бўлсин гўзал қиз.
Бир кун эслаб тўкмагил кўз ёш,
Чунки, буткул бегонамиз биз.

Надоматлар қисматим мени,
Ҳаёт ҳам бешафқат, беомон.
Бахтинг тугал очилсин сени,
Армон билан кетишлик ёмон.

Аламларим ютдим ичимга,
Бахт ҳар кимга бўлмас экан ёр.
Бу савдо тушмасин ҳеч кимга,
Ҳали келажакдан умид бор.

Бошқа ғамни ўйларман энди,
Кўпдир менда бошқа ташвиш ғам.
Шеърларимда куйларман энди,
Бошқа не қилсин шоир одам?!

.....

Мен бир жуда инжик, юраги торман,
Шу сабаб ҳар ерда дарбадар хорман.
Менга бир гап кўпдир, яримтаси кам,
Доим бесаранжом ва беқарорман.

Бу қандай ҳуқ атвор, инжиқ табиат?,
Ким қилгандир мени бундай тарбият?.
Бефойда бир ғурур, бенаф ҳамият?,
Ҳамма мендан безган, мен ҳам безорман.

Не қилсам чопади менинг омадим?,
Омад булоғидан ичиб қонмадим,
Айбимга иқрорман ҳали тонмадим,
Бир осий бандаман, бир гуноҳкорман.

Мулойимлик шаксиз улуғ ахлоқдир,
Менинг хилқатимдан буткул йироқдир,
Мен эса ҳар доим тоқатим тоқдир,
Шундай яшаш керак, беихтиёрман.

06.07.2017

Фосфор бомбасидан баданлари эриб кетган Суриялик гўдаклар суратини кўриб:

Кўрсангиз бу даҳшат қабоҳатларни,
Беихтиёр одам тортади сергак.
Кўриб бу шавқатсиз жароҳатларни,
Буларнинг онаси қандай чидасин,
Чидолмай дод деса, мен каби эркак?!

Осмон ҳам узоқда ер ҳам қаттиқдир,
Кўп жабр кўрди бу мурғак гўдаклар.
Остида тўшак ер, тошлар ёстикдир,
Наҳотки, шунчалик золим одамзод?,
Кўриб ёғдек эрир кўп тошюраклар.

Менда бир чора йўқ, ёрдам беришга,
Ожизлигим мени йиғлатар чунон.
Уят эркакман деб, кўкрак керишга,
Кашф этдим мен бугун бир ҳақиқатни,
Дунёда энг ёвуз хилқат бу инсон!

07.07.2017

Шом аҳлига

Нималар бўлмоқда оламда ё Раб?,
Бу фитна адоват бўларми тамом?!
Ҳайратга тушаман баъзида қараб,
Адо бўлмай кетди сира қатли ом!

Бу сўзим ҳеч кимга келмасин малол,
Бу фиску фасодлар тугамас мудом.
Бир бирин қонини санашар ҳалол,
Ноҳақ қон тўкишлик шубҳасиз ҳаром!

Бузулди дунёнинг мезон асоси,
Қолмади оламда тартиб интизом.
Бормиди тақдирнинг сизда қасоси?,
Айбингиз нимади сизни аҳли Шом?!

Мўминлар қонини ноҳақ тўкканлар,
У дунё бу дунё, бўлсинлар бадном.
Зафарга эришсин меҳнат чекканлар,
Ё Раб, келсин тезроқ, сурурли айём!

Мухаммас:

Чорак аср бу юртда, зулм ила бедод бўлди,
Зулм ҳаддидан ошиб тобора зиёд бўлди,
Мазлумлар иши фақат, дод ила фарёд бўлди,
Аввал истибдод эди, яна истибдод бўлди,
Бир ажойиб савдолар, ажиб иқтисод бўлди.

Афсонавий нажоткор, кўҳи қофдан чиқмас ҳеч,
Ҳеч бир ёвузлик, зулм, дили софдан чиқмас ҳеч,
Бу элда маддоҳларнинг тили лофдан чиқмас ҳеч,
Парчаланган бу миллат, ихтилофдан чиқмас ҳеч,
Казо — казоларнинг ҳам, бозори касод бўлди.

Кимлар кетди ҳаётдан йўқолиб, бу курашда?,
Қанча минглар ётибди, қамалиб бу курашда?,
Кимлар кетди юртидан бош олиб, бу курашда?,
Ақлим етмас ким мағлуб, ким ғолиб бу курашда?,
На золим қолди боқий, на мазлум озод бўлди?!

Ор — номусни унутиб, фақат дунё деб чопдик,
Имон аҳлин кўчада кўрганда итдек қопдик,
Ошкоралик бўлмади, ўз айбимизни ёпдик,
На равнаққа эришдик, на бир ўзгариш топдик?,
На бир тузум ўзгарди, на эл — юрт обод бўлди?!

Одамга қулдир одам, қани дин, имон, ихлос?,
Залолатда яшармиз, бундай иллат бизга хос,
Ҳали хануз бу дарддан бўла олмадик халос,
Эй одамлар, бу не ҳол, эски ҳаммом — эски тос?,
Наҳот орзу — умидлар, барчаси барбод бўлди?!

Даҳрийлар даври бу эл, ёмон — йўлдан адашган,
Бизнинг казо — казолар, ҳамон, йўлдан адашган,
Манзилга етолмадик, карвон йўлдан адашган,
Аросатда қолганмиз, сарбон йўлдан адашган,
Мен хайронман шунга ҳам, кўп одамлар шод бўлди.

Ёруғ кунни кўришдан, умидни узди Саҳвий,
Дардини маржон қилиб, девонга тузди Саҳвий,
Кураш йўлидан қайтди, аҳдини бузди Саҳвий,
Дарду — аламдан ғамлик, мухаммас ёзди Саҳвий,
На бир шеърин ўқир эл, на бир дилда ёд бўлди?!

04.07.2017

Сарбон адашмасин

Адашган бандани ушланг қўлидан,
Беайб Парвардигор, инсон адашгай.
Сарбон адашмасин тўғри йўлидан,
Сарбон гар адашса, Карвон адашгай.

Шундай яратилган, бир кам дунёдир,
Бир томонда зулмат, бир ён зиёдир,
Яхши амал — Қўйдир, Бўри — риёдир,
Риёкор бандалар, ҳар он адашгай.

Синов имтихондир ўткинчи дунё,
Истаймиз охират, бўлмасин расво,
Омон сақлаш оғир, бўлса гар такво,
Такводор адашса, ёмон адашгай.

Ҳасад деган бало, жуда ёмондир,
Аллоҳ асраганлар ундан омондир,
Унинг оқибати тарки имондир,
Унга дучор бўлса, шайтон адашгай.

Бу дунёда гуноҳ қилмаган ким бор?,
Ҳаётдан бегуноҳ кетишлик душвор,
Ким кибр дардига, бўлса гирифтор,
Охир залолатда сарсон адашгай.

Бировнинг айбини, изловчилар кўп,
Ярангга туз сепиб, тузловчилар кўп,
Шайтонга қўл бериб, сизловчилар кўп,
Фитнага йўл очган, нодон адашгай.

Ҳар нарса боғлиқдир, ўзаро узвий,
Яхшилик — ёмонлик, ўлчанар нисбий,
Ҳаётда кўп бора, адашди Саҳвий,
Ҳануз йўл топмади, ҳамон адашгай.

27. 06. 2017

Сенга маълум кимлигим, эл не гумон этган билан,
Қазо ҳукми ўзгарарми, имтихон этган билан?!

Азалдан кимга саодат, кимга битмишдир иқоб,
Заррача фойдаси йўқ, бағрингни қон этган билан.

На келишда на кетишда, ихтиёр йўқ бандада,
Ажал ҳам ёнингдир, кўздан ниҳон этган билан.

Бандалик орзу умид ва илтижодан холимас,
Фарқи йўқ даврон сени, шоҳи жаҳон этган билан.

Икки дунёнинг саодат неъматин этсин ато,
Йўқса, не наф дунёда тинчу омон этган билан?!

Нақди имон бўлсин ҳамроҳинг кетар пайтинг сени,
Манфаат бўлмас у сиз сен тарки жон этган билан.

Тангри олдида азалдан мартабанг бўлса улуғ,
Саҳвиё не ғам сени, эл юрт ёмон этган билан?!

24.06.2017

Во ажаб орзу ҳавас дилга тузоқ бўлди яна,
Оқибат рўёбидан беҳад узоқ бўлди яна.

Неча дерманки ўзимга тарк этай орзуни мен,
Илож йўқ кўнглим ҳавасга иштиёқ бўлди яна.

Неча йиллар ўтди умрим банди зиндонликда ҳайф,
Не қилай, қисматда тақдирим фироқ бўлди яна?.

Менда кўп яхши ҳавас, орзу умидлар бор эди,
Бора бора барчаси мендан йироқ бўлди яна.

Хазон фасли келди умрим боғига, қиш ҳам яқин,
Қиров тушган сочларим бунданда оқ бўлди яна.

Ғамларимни шеърга солмоқ одатимдир доимо,
Дилдаги зулматга шеърим шамчироқ бўлди яна.

Холисона бир амал қилган эди Саҳвий бугун
Қаранг ҳамроҳим риё бирла нифоқ бўлди яна.

29.06.2017

Йўқдир имконим ватанни ихтиёр айлай десам,
Ёки, бу ғурбат диёрин мен диёр айлай десам.

Тангрига ҳамду сано бўлсин бари неъмат учун,
Қўрқаман шаккок бўлишдан оху зор айлай десам.

На бу ғурбатда яшашга бордир имконим мени,
На иложим ўзга ер азми қарор айлай десам?
Интизорликда ўтар ҳар куну тун беқарор,
Фарқи йўқдир кун билан тун эътибор айлай десам.
Изғирин совуқ ҳамиша менга ҳамроҳ, чора йўқ,
Қаҳратон фасли тугаб, фаслим баҳор айлай десам.
Ношукрлик ҳам ёмондир, лек иложим йўқ нетай,
Ғам билан маҳзун дилимни бахтиёр айлай десам.
Кетди қўлдан ихтиёри энди Саҳвий ноилож,
Чора йўқ Тангрим йўлингда, жон нисор айлай десам.

30.06.2017

Аслида кимлигини эл ичра ошкор этди шайх,
Турфа хил ботил фасод, фатвони изҳор этди шайх.
Мазҳабида юрмаган ким бўлса бадном айлади,
Оми элни таассуб дардига дучор этди шайх.
Ўзгаларга нисбатан ёқди адоват ўтини,
Тассуфларким, бу ишларни бекор этди шайх.
Ихтилофлар ҳақида ёзди дилинда ҳар на бор,
Омонат дин илмини сотмоққа бозор этди шайх.
Пиру муршидлик қилиб, ушлаб тасаввуф йўлини,
Муридларни ҳам залолатга гирифтор этди шайх.
Китобу суннатни тутган кимсага қилди ғазаб,
Фисқу фужур аҳлига ҳурматни бисёр этди шайх.
Аҳли мансаб аҳли жоҳга иззат икром кўрсатиб,
Ўзини нафсин шуларнинг олдида хор этди шайх.
Ҳаммани ўз йўлига кирмоққа чорлаб доимо,
Кенг ҳидоят йўлини бу халқ учун тор этди шайх.
Барча мазлумни адашган деб бериб фатво мудом,
Барча золимни ўзига дўст ила ёр этди шайх.
Таассуб бирла адоват қолдириб кетди қаранг,
Билиб туриб кўп хато ишларни такрор этди шайх.
Меҳрибон Аллоҳ кечирсин, ким адашган бўлса гар,
Ғафлат уйқусида ётган элни «бедор» этди шайх.
Саҳвиё сарбон адашса, қолмагай карвон омон,
Эл ичинда йўқ таассуб иллатин бор этди шайх.

01.07.2017

Кечирмоққа лойиқ Зотдир, фақат Аллоҳ!

Оят: Гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди?

(Оли Имрон 135 оят)

Минг минглаб мўмин мусулмонга ноҳақдан зулм қилиб яна узр талаб қилаётганларга раддия:

Ўтмишда кўп тарихларда дoston бўлган,
Мўғул ва рус босқинида вайрон бўлган.
Минг йилларким ислом динин ушлаб келган,
Бу юрт номи энди ўзбекистон бўлган.
Шундай юртга ҳукмрондир бугун гумроҳ,
Гумроҳларга инсоф берсин, буюк Аллоҳ!

Яқин тарихда ҳақ динни йўқ қилдилар,
Залолатни бизга дин деб, дўқ қилдилар.
Ҳақни айтганларни қатағонлар қилиб,
Кўнгилни ҳам, қорин каби, тўқ қилдилар.
Ноҳақ ўлдирилган қанча, Тангрим гувоҳ,
Барчасини жазосини берсин Аллоҳ!

Бир шабада эсмоқдадир юртимизда,
Яхши умид уйғонгандек бўлди бизда.
Кўриб яна сохталиқни, ноҳақлиқни,
Дедим: инсоф йўқ эканда, мутлақ сизда?!
Хиёнатнинг қўли баланд, ҳали, эй воҳ,
Хоинларга инсоф берсин, буюк Аллоҳ!

Турмаларда қилиб бизни умри хазон,
Давом этмоқда ноҳақлиқ, ҳануз, ҳамон.
Адашганлар деб, берилди бизга фатво,
Ким адашган, очиб ўқиб кўринг қуръон?!
Улар ноҳақ қамалганлар эди валлоҳ,
Бу сўзимни тасдиқлайди каломуллоҳ!

Биздан тавба талаб қилар имомлари,
Мажлисбозлиқ билан ўтар айёмлари.
Сохта даъват, сохта давлат, сохта шуҳрат,
Сохта шеър ёздирар сохта илҳомлари.
Оқибат шу, иблис билан бўлса ҳамроҳ,
Гуноҳларни кечиргувчи фақат Аллоҳ!

Адолат ва ҳақиқат ҳеч топмас қарор,
Дин пешвосинда бўлмаса, номус ва ор.
Ноҳақ зулм қилганлари етмагандек,
Яна кечираман дейишлиқ, қайда бор?!

Кечирмасин бизни сиздек, манфур, маддох,
Кечирмоққа лойиқ Зотдир, фақат Аллоҳ!

Золимлардан узр сўрар мазлум қаранг,
Бу ноҳақлик асабимни айлар таранг.
Биз сизлардан асло узр сўрамаймиз,
Аслида сиз биздан тезроқ узр сўранг!
Мирзиё бу дунёда бир вақтинча шоҳ,
Икки олам подшоҳидир, буюк Аллоҳ!

Биз қилмадик юртимизда бир жиноят,
Ё сиз каби, динимизга кўп хиёнат.
Биз бу элга ҳақиқатни етказгандик,
Қолмаганми сизларда ё, дин — диёнат?!
Нега биздан авф истайди нодон подшоҳ,
Ким ҳақу, ким ноҳақ, ҳали айтар Аллоҳ!

Эй имомлар, сиз ёлғон сўз айтаяпсиз,
Халқни яна залолатга бошлаяпсиз.
Сизлар сабаб бизларга кўп зулм етди,
Хиёнатда ҳаддингиздан ошаяпсиз.
Олдингизда турибдику, тубсиз бир чоҳ,
Сизларга ҳам жазо берсин, буюк Аллоҳ!

Ҳақ йўлида шаҳид бўлган буюк зотлар,
Улар номин унутмайди зурриётлар.
Хиёнаткор, хоинларнинг ўрни маълум,
Сизлар миллатга бегона, етти ётлар.
Бир кун келар, афсусланиб, чекарсиз оҳ,
Шу кунларга етказсин тез бизни Аллоҳ!

17.06.2017

Рўзаи моҳи шариф мўминга меҳмондир билинг,
Рўзадорларнинг иши хайр ила эҳсондир билинг.

Рўза тутган бандалар жаннатга киргай шубҳасиз,
Уларга хос бир эшик бор, номи райёндир билинг.

Закоату фитру, хайр эҳсон, фақирлар ҳақкидир,
Ҳар бириси жаҳаннамдан битта қалқондир билинг.

Бу ойда кўпдир ибодат, турли хил лайлу наҳор,
Ибодатлар афзали ҳам хатми қуръондир билинг.

Бу ибодат ойдир, меҳнат машаққат ойдир,
Барчаси мўмин учун улкан шараф шондир билинг.

Мағфират раҳмат ва дўзахдан қутулмоқ ойи бу,
Жаннат аҳлидан бўлиб қолмоққа имкондир билинг.

Бу улуғ неъматни менга ҳам насиб этгайми деб?,
Раҳматига кўз тутиб, Саҳвий дили қондир билинг.

13.06.2017

Жаннат йўли имону ислом билан бошланар,
Расулга инган ваҳий пайғом билан бошланар.

Ибодатларда қиём, рамазон ойи сиём,
Ҳаж аркони ҳам аввал, эҳром билан бошланар.

Жаҳаннамдан нажотинг, саодатли ҳаётинг,
Закот ушр садақа, инъом билан бошланар.

Олам узра офият олиб келган бир йўл бу,
Йўлиққанлар сўзлари, салом билан бошланар.

Яхши билан ёмон сўз, чиқар битта оғиздан,
Эзгу ишлар бил эзгу, калом билан бошланар.

Сўзнинг кучи қуввати бебаҳодир оламда,
Гўзал шеърлар ҳам гўзал, илҳом билан бошланар.

Кўп хатолар туфайли, Саҳвий аталган номим,
Ёзган ғазал, достоним, шу ном билан бошланар.

19.06.2017

Раҳматингни дариг тутма

Раҳмати ҳақ ёғилур моҳи рамазон ҳар кеча,
Аҳли ислом тиловат айлайди қуръон ҳар кеча.

Йилнинг ўн бир ойи ўзга, ушбу ойи ўзгадир,
Само узра шуъла сочгай моҳитобон ҳар кеча.

Кундузи бўлса сиём, тунни қиёмда ўтказиб,
Ибодатда ўтса кундуз, хайру эҳсон ҳар кеча.

Мағфират дарёси жўш урганда билсанг покланар,
Гуноҳлардан неча минглаб аҳли исён ҳар кеча.

Бунчалик кўп файзу раҳмат бошқа ойда бўлмагай,
Олам узра мавж урар бил баҳри ғуфрон ҳар кеча.

Қадр оқшоминда Жаброил кезар олам аро,
Зикр тасбиҳ айтар аҳли еру осмон ҳар кеча.

Бу улуғ айёмда Саҳвий, Тангрига айлар дуо,
Раҳматингни дариғ тутма, биздан ҳар он ҳар кеча.

05.06.2017

Тинмайин жанглар кетар ернинг юзи жангоҳдир,
У тараф ҳам бу тараф, инсон деган гумроҳдир.

Куфр ила имон орасинда эмас бу тўқнашув,
Барчаси имон келтирган Тангри бир, Аллоҳдир.

Бир бирин қонин ҳалол деб беомон қирмоқдалар,
Бу гуруҳлар мақсади шу давлат ила жоҳдир.

Фитналар келди бугун барча мусулмон аҳлига,
Фитнага тушмай илож йўқ, банда хоҳ нохоҳдир.

Мўмин банда қандай имонин саломат сақлагай?,
Ҳар тарафдан ўраб турган, минг тузоғу чоҳдир.

Фитналар пайтида фирқа аҳлини тарк айлагай,
Кимки, Аллоҳнинг Расулин сўзидин огоҳдир.

Кўриб умматнинг таназзулин дили қондир бугун,
Шу сабаб Саҳвийга қайғу доимо ҳамроҳдир.

.....

Келибон кетгали шошгай, бу айёмлар шитоб айлаб,
Бу айёмда ибодат қил деган, Тангрим хитоб айлаб.

Бу имконни ғанимат билмоқни бизга насиб этсин,
Ўтмасин маъсиятда охир уқбони хароб айлаб.

Гуноҳдан покланиб олмоққа келган битта имкон бу,
Умидвормизки кетмас ушбу орзумиз сароб айлаб.

Жаҳаннам оташидан сақлагувчи парда бўлгайдир,
Саховат ойин ўтказ, хайру эҳсону савоб айлаб.

Буюк ойда гуноҳдан пок бўлолмай доғда қолмай деб,
Санинг лутфунга кўз тикиб, турибман изтироб айлаб.

Илоҳо мағфират муҳтожи бандангман афу этгил,
Қиёматда ғазаб қилма ки адлингга ҳисоб айлаб.

Худонинг раҳматин истаб, ибодат айлагил Саҳвий,
Ажабмас мағфират этса, дуоинг мустажоб айлаб?!

09.06.2017

Рамазонда бахиллик қилманг

Бўлар экан одам турли хил,
Ҳеч кимсани камситиб, кулманг.
Бўлсанглар ҳам, ўн бир ой бахил,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Саховат ойидир ушбу ой,
Тенг бўлади фақир билан бой,
Подшоҳмисан ва ёки гадой,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Эҳ, кимлардан қолган дунё бу?,
Кимгадир чин кимга рўё бу,
Саховатни деманг риё бу,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Дунё сизу биздан ҳам қолар,
Буни англаб ким ибрат олар,
Эртага бу имкон йўқолар,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Келгунича яна рамазон,
Ким бор, ким йўқ, Тангрига аён,
Охиратга бўлса гар имон,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Бу ой кунлар бизга ғанимат,
Ҳар кимда ҳам йўқдир бу неъмат,
Бир кун бўлар десанг қиёмат,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Бу дунё ҳам гўё бир ҳаммом,
Покланиб қол, эй аҳли сиём,
Бир кун бари бўлади тамом,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Ғаниматдир бу даври даврон,
Қодир бўлсанг бер очларга нон,
Бошқа пайти қилмасанг эҳсон,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Мўмин бўлсанг шуни билиб ол,
Закотсиз мол бўлмайди ҳалол,
Бошқа пайти тўпланг бемалол,
Рамазонда бахиллик қилманг!

Бойлик фақирлик бари нисбий,
Тақдирдандир, эмасдир касбий,
Ҳаммангизга эслатар Саҳвий,
Рамазонда бахиллик қилманг!

03.06.2017

Дилим қотиб қолди

Ҳижрон саҳросида дайдиған кўнгил,
Пинҳона сиррини қилолмади фош.
Хазон уриб сўлди, мен истаған гул,
Дилим қотиб қолди, мисли харсанг тош.

Бу залворли юкни ташиб дилимда,
Авайлаб асрадим, кўчмасин дедим.
Изҳор қилинмаған севги тилимда,
Энди юрагимдан ўчмасин дедим.

Соғинч хотиралар, тинчлик бермайди,
Мусаффо бўлади, бўлса муҳаббат.
Сени мен севгандек, ҳеч ким севмайди,
Буни англамасдан кетасан албат.

12.05.2017

«Эртурғулнинг тирилиши» сериалини кўриб:

Эй турк халқи, мардонавор халқ,
Бунга гувоҳ тарихинг сани.
Сенга буюк қисмат битмиш Ҳақ,
Лол қолдирди ўтмишинг мани.

Рум диёрин фатҳ қилдилар,
Кўчманчи халқ, туркман дегани.
Улар Туркистонлик эдилар,
Турк диёри улар ватани.

Усмонли турк давлатин қурган,
Битта бўлишган жону тани.
Мўғул Румни титратиб турган,
Эртурғуллар, Турғутлар қани?!

Таназзулга учрадинг охир,
Равнақинга бўлдилар монё.
Фарзандларинг мард, жангда моҳир,
Буюкликка етарсан яъни.

Эллик ёш

Эллик ёш ҳам эшик қоқмоқда,
Мени ҳайрон қолдирар бу ҳол,
Элликка ҳам кирмай қаридим,
Вужудимда қолмаган мажол.

Ўтмиш ўтди яхшими ёмон,
Омад менга боқмайин қиё.
Умид билан кутарман ҳамон,
Келакда кўринмас зиё.

Айтилмасдан қолди кўп алам,
Тушларимда бўлар намоён.
Бу дунёни дерлар бири кам,
Мен бу сўзга келтирдим имон.

Наҳот шундай тугаса бари,
Наҳот шудир ўткинчи ҳаёт?
Буни англамасдим илгари,
Наҳот энди англадим, наҳот?!

Кетаяпди одамлар тинмай,
Навбат келса бўлди қари ёш.
Ўтмоқ керак ирода синмай,
Бандасига эгилмасдан бош!

Умидворман барибир ҳали,
Чунки, дерлар ноумид шайтон.
Келар бир кун ғариблар гали,
Бандасига меҳрибон Раҳмон!

09. 05. 2017

Мен ватанни севаман

Ўғлим мен туғилиб ўсган диёр бор,
Мен уни соғиниб яшайман бисёр.
У диёр бўлгандир менинг ватаним,
Истардим шу ерда қолса бу таним.
У ерда йўқ бу ердаги эркинлик,
У диёрда инсон қадри бир тийинлик.
У ерларда ўйнамайди болалар,
Саратонда терар пахта толалар.
Шунча кўп бўлсада гарчи муаммо,
Мен шу ватанимни севаман аммо.

У ерда кўп йиллар яшадим мен ҳам,
Кўрдим турли туман азоб, дарду ғам.
У ерда мустабид тузум ҳукмрон,
Золимларнинг зулми тўхтамас ҳамон.
У диёрда уйлар бўлади совук,
Ҳовлисида яшар мол қўй ва товук.
Улар зимистонда ўтирар қиш ёз,
Чўмилишга иссиқ сув топилмас боз.
Шунча кўп бўлсада гарчи муаммо,
Мен шу ватанимни севаман аммо.

У ерда на иш бор ва на бор ойлик,
Ишлаб мумкин эмас, топишлик бойлик.
Унда яхши яшар миршабу жаллод,
Оддий халққа тинмай қилишар бедод.
Бузуқчилик фасод тўла фош бўлган,
Севимли емиши фақат ош бўлган.
Қуриб битган унинг денгизи ҳатто,
Ҳамма соҳа бўлган фасоду расво.
Шунча кўп бўлсада гарчи муаммо,
Мен шу ватанимни севаман аммо.

У ерда бирор иш битмас порасиз,
Золимлар олдида бир бечорасиз.
Урфу одатлари бидъат хурофот,
Яхшилар хор, ёмон олар мукофот.
У ердан адолат йўқолиб кетган,
Инсофу диёнат қуриган, битган.
У ерда одамлар ноҳақ отилар,
Имону, ор номус пулга сотилар.
Шунча кўп бўлсада, гарчи муаммо,
Мен шу ватанимни севаман аммо.

Сабаби, у ерда менинг илдизим,
Мендан кейин сен ҳам босарсан изим.
У ерда отаю онамнинг хоки,
Улар қалбимдадир тирикман токи.

Шу ерда қолишни истарман ўзим,
Эшитгил ўғилчам сен ушбу сўзим.
Мен ўша диёрим ҳажринда зорман,
Қачон борарман деб, кўп интизорман.
Шунча кўп бўлсада гарчи муаммо,
Мен шу ватанимни севаман аммо.

Соғиндим

Кўрмаганимга ҳам кўп йиллар бўлди,
Изтиробдан кўнгил ғизиллар бўлди,
Кўзим йўлда изингни излар бўлди,
Эски уйни болхонани соғиндим.

Саратонда қовжираган даламни,
Баён этолмайди қаранг қаламни,
Шеърдан олиб юракдаги аламни,
Сигир билан молхонани соғиндим.

Жозиба бор бу сахрою чўлларда,
Меҳри муҳаббати бордир дилларда,
Манзилга етмайин қолдик йўлларда,
Маҳалламни, чойхонани соғиндим.

Бу тупрокнинг пешанамда шўри бор,
Юрагимда муҳаббатин кўри бор,
Бу ерларда аждодларим гўри бор,
Ғамлар чеккан, ғамхонани соғиндим.

.....

Ўзбекистон Ички ишлар вазири Абдусалом Азизовнинг айтишича, яқин орада «барча террорчилар ва жиноятчилар ҳақида маълумот Интернет ижтимоий тармоқлари, хусусан, Фейсбукда эълон қилинар экан. Мен агар шундай рўйхат тузилса, бу рўйхат бошида ИАК туради, деган фикрга келдим.

Бу рўйхат тузилса, бўлар жуда соз,
Бизда бордир фақат, бир оз эътироз.
Кимлар қилган бўлса, элга душманлик,
Зулм зўравонлик, кибр манманлик.
Халкни кўркитганлар, террорчилар ким,

Ёзинглар, яширин қолмасин ҳечким.
Бизда ҳам айтишга, баъзи фикр бор,
Агар қилсангизлар бунга эътибор?!
Кимдир ўқиб балким, лабин буради,
Бу рўйхат бошида ИАК туради!

Тузилса бир рўйхат, агар шу онда,
Кимлар террорчидир, Ўзбекистонда?!
Ким у тулкиларча кулиб, мулойим,
Ўз халқин қўрқитиб, қамаган доим?
Кимнинг қўли кўпроқ беланди қонга,
Ким у, зомин бўлган ноҳаддан жонга?
Ким бу элга қилди, зулму истибдод,
Ким туфайли бу эл, чекди дод, фарёд?
Ким ўлгунча даври — даврон суради,
Бу рўйхат бошида ИАК туради!

Ким қилди қонунни беписанд, бир пул,
Ким қилди бу элни, ўз нафсига кул.
Кимларнинг даврида авж олди пора,
Халқ қашшоқлашдию, бўлди оввора?
Ким туфайли милён милёнлар сарсон,
Минг минглаб умрлар турмада хазон?!
Ким отди бу халқни, айт, Андижонда,
Гувоҳлар кўп бунга, ерда осмонда.
Намоз ўқиганни кимлар уради?,
Бу рўйхат бошида ИАК туради!

Ким хор қилди юртни, айт, пахтазорда,
Қут барака борми пулда, бозорда?
Ким уриб куйлатди бизга «серқуёш»,
Айт, кимни зулмидан дод дер, қари ёш?
Ким тўйларда ўйнар, куй чалса машшоқ,
Халқ зимистонда ўтирар қашшоқ?
Сичқондек эл ризқин кемирганлар ким,
Милярдлаб долларни ўмарганлар ким?
Кимнинг қизи дунё кезиб юради?,
Бу рўйхат бошида ИАК туради!

Айтинглар Тангрини келтириб гувоҳ,
Ким бу элни қилди жоҳилу гумроҳ?
Ким эдию, бугун ким бўлди миллат,
Сон саноғи борми, юртдаги иллат?
Ким халқни қақшатиб, бўлди қаҳрамон,
Бу аҳвол ўзгармай турибди ҳамон.

Шунчалик бўлганми, бу миллат хор, зор,
Боласин сотганми ҳеч онаизор?!
Буюк келажакни кимлар қуради,
Бу рўйхат бошида ИАК туради!

Иккинчи ўринда Рустам Иноят,
ИАКдан каммасдир унда жиноят.
Ундан кейин балки Зокиржон Алмат,
Жазодан қутулиб қолмас саломат.
Яна прокурор, порахўр қози,
Кимлар бўлган бўлса, зулмга рози?!
Барча миршаблару, сарой имоми,
Ёзилмоғи шарт бу рўйхатда номи!
Яна бошқа ким бор, Аллоҳ билади,
Барчасин бошида ИАК туради!

Шулар террорчидир ва юрт душмани,
Хато бўлса исбот қилинглари қани?
Бу гапларим бари аччиқ ҳақиқат,
Буни тан олишлик лозимдир фақат.
Ёзинглари барчаси тарихда қолсин,
Келажак авлодлар бир ибрат олсин.
Шулар қилди элу юртга хиёнат,
Буларда бўлмаган дину диёнат.
Шу билан бу рўйхат тамом бўлади,
Рўйхатни бошида ИАК туради!

05.05.2017

Андижон фожеъасининг 12 йиллигига

Ўн икки йил эмас юз йил ўтса ҳам,
Қоннинг қийматини ўлчамас дирҳам,
Дунёни матосин берсанг бўлар кам,
Ватандошлар Андижонни унутманг,
Зулмга қарши исённи унутманг!

Эй ватаним номардларга ёр бўлдинг,
Мунофиқларга тўлган диёр бўлдинг,
Эслолмассан қачон бахтиёр бўлдинг?,
Ноҳақдан тўкилган қонни унутманг,
Ҳақ учун берилган жонни унутманг!

Бу ўлкани Аллоҳ Туркистон қилган,
Уни келиб мўғуллар вайрон қилган,
Руслар зулмига қарши исён қилган,
Мужоҳид Дукчи Эшонни унутманг,
Ор номусли, мард ўғлонни унутманг!

Золимга бўйсунмоқ бизга ҳаромдир,
Мардлик мукофоти иззат икромдир,
Бу исён пешвоси Йўлдош Ақромдир,
Дўстлар бу шаҳид инсонни унутманг,
Чин ҳақиқий қаҳрамонни унутманг!

Истарман обод бўлсинда диёрим,
Озод бўлсин турмадан дўсти ёрим,
Адолат ва ҳурлик менинг шиорим,
Бизга берилган имконни унутманг,
Инсонийликни виждонни унутманг!

Мардлик ва хиёнат тарихда қолар,
Кимдир бизни сўқар, ким ибрат олар,
Мардликни йўқотган миллат йўқолар,
Бу асосий имтиҳонни унутманг,
Йўқотилган шараф шонни унутманг!

Бугун дейишмоқда бизни мустақил,
Ёлғонни ҳам эплай олсанг пухта қил,
Қадр қимматимиз аслида бир пул,
Ростга ўхшаган ёлғонни унутманг,
Фиръавн бирла Ҳомонни унутманг!

Ҳақ йўлинда кураш бўлгандир доим,
Курашда синайди бизни Худойим,
То Тангрининг ҳукми бўлгунча қоим,
Бизларга душман шайтонни унутманг,
Буюк Роббимиз Раҳмонни унутманг!

Ажал етган вақти ҳамма ўлажак,
Курашмасак буюк бўлмас келажак,
Тангри қисмат қилган нарса бўлажак,
Тақдирга бўлган имонни унутманг,
Барча мазлум мусулмонни унутманг!

Кимлар йиғлаганда кимлардир кулган,
Билмаган билан тенг бўлмайди билган,
Унутманглар кимлар бизни қул қилган?,
Саҳиҳ ҳадис ва қуръонни унутманг,
Саҳвий ёзган бу дostonни унутманг!
Эй ўзбеклар, Андижонни унутманг!

03.05.2017

Ҳайрон бўлманг

Қаранг, «бенамозга нима бор ҳажда?»,
Дея, шеър ёзибди, бир содда шоир.
Доим бенамозлар бозори авжда,
Ахир барча соҳа, шуларга доир.
Булар уддабуррон десак, бўлар оз,
Ҳайрон бўлманг борса ҳажга бенамоз.

Замонанинг зайли бўлдида шундай,
Бари ҳожи бўлди, ким ўғри каззоб.
Бу нарса биз учун равшандир кундай,
Холис мўминларнинг аҳволи хароб.
Ҳажга бориб келди ИАКдек шоввоз,
Нима бўлди борса, ҳажга бенамоз?!

Туғилгандан токи, ўлгунга қадар,
Яшай олмайдилар бермаин пора.
Ҳалолликни қадри бугун нақадар?,
Унга қадр бериб, бўлманг оввора!
Бенамозлар ҳажга борса, жуда соз,
Ҳожака бўлсинлар барча бенамоз.

Намозхонман деган, мулла имоми,
Бенамозни қилса иззату икром.
Мусулмон дейилар ҳаммани номи,
Намозхон бенамоз, фарқи йўқ тамом.
Уларга дин ўйин, қуръон бир овоз,
Қадринг баланд бўлар, бўлсанг бенамоз.

Холис намозхонлар жойидир зиндон,
У ерда намоз ҳам ўқиш мумкинмас.
Намоз ўқиганни калтаклар ҳамон,
Ҳеч кимса бу қандай аҳволдир демас.
Муллалар ҳам билиб индамаслар боз,
Қандай яхши бугун, бўлсанг бенамоз?!

Макканинг ҳокими бўлганди аввал,
Абу Жаҳл деган бир мушрик бадбахт.
Муқаддас масканда тақдири азал,
Мустабидлар қуриб олган бугун тахт.
Қиш ўтгач одатда келар эди ёз,
Бу ерда қиш ўтмас, доимий аёз.

Бу сўзим сизларга келмасин малол,
Булар бари бугун айни ҳақиқат.
Ҳаром ғолиб бўлди, енгилди ҳалол,
Начора, бу ҳаёт шундай бешафқат.
Бахт қуши устида қилади парвоз,
«Бахтли» ҳисобланар, бугун бенамоз!

Мусулмон бу ўлка топмади ривож,
Гарчи дейилсада бугун мустақил.
Бенамозлар кияр фақат бошга тож,
Яратганга эмас, бандасига қул.
Мозорга аталар, бор назру ниёз,
Начора юртбошинг, бўлса бенамоз?!

Булар қилиб ўтган бир умр зино,
Мақсад шу, яшаб қол, қисқадир ҳаёт.
Тўю азаларда ичишар вино,
Шу билан тугайди бу умр хайҳот!
Булар кечолмайди кайф сафодан воз,
Кечса бўлолмайди ахир бенамоз!

Шулар ҳукмронлик қилар тепангда,
Шуларга қул бўлган бечора эл бу.
Бири уканг бўлса, бири акангда,
Фатво беринг энди, аҳли мёлбу?!
Саҳвий шубҳаларинг очиқ ойдин ёз,
Айтинг мусулмонми йўқми, бенамоз?!

.....

Ўрин йўқ ҳеч қандай баҳона важга,
Тангрининг бандага йўқ эҳтиёжи.
Қадим эшак миниб боришган ҳажга,
Бу билан бўлмаган бу эшак ҳожи.

Холислик ибодат шартидир мутлак,
Бўлмаса бу амал ботилу барбод.
Бировга бир зулм қилинса ноҳақ,
Тавба қабул бўлмас, қилсада фарёд.

На тоату тақво ва на ибодат,
Золим кимсаларга келтирмагай наф.
Ҳажга боришликни қилишди одат,
Охират азоби бўларми деб даф?!

Мазлум кечирмаса Аллоҳ кечирмас,
Чунки, бу зулмдир, ҳаққуннос эрур.
Ҳаққуллоҳни тавба ювиши сирмас,
Холис тавба қилиш шунга хос эрур!

Адолатли Аллоҳ бўлганда қози,
Мазлумлар ҳаққини сўрар қиёмат.
Золим то мазлумни қилмаса рози,
Қилган гуноҳлардан бўлмас саломат.

Мулоҳаза

Менга дерки: менинг фикру хаёлим,
Даъват йўлин танлаб олса бир олим.

Албатта бу улуғ синов йўлидир,
Бу йўл оқибати кўп қайғулидир.

Лекин, бу йўлда бор Тангри ризоси,
Бу йўл пайғамбарлар йўлин асоси.

Лекин, машаққатлар кўпдир бу йўлда,
Юрарсан гоҳи тоғ ва гоҳи чўлда.

Баъзида иблис ҳам васваса қилар,
У сени ҳар нозик жойингни билар.

Бу ишни душвордир бажармоқ холис,
Бу йўл машаққатли ва жуда олис.

Йўлда қолиб кетган қарвонлар қанча?,
Манзилга етмаган сарсонлар қанча?!

Гоҳо ҳужум бўлур очик душмандан,
Улар қасд олишни иташар сендан.

Гоҳо қилур хуруж, аҳли маломат,
Ундан қолган эмас кимса саломат.

Гоҳ сенга душманлик қилар қариндош,
Гоҳ сени тушунмас қавм ила қардош.

Гоҳ қарши чиқишар муллаю имом,
Улар сени қилар оламга бадном.

Курашмоқлик керак ҳаммаси билан,
Баъзан ўз холаю аммаси билан.

Тугамас бу жанжал яқин орада,
Яшарсан доимо шу можарода.

Бу орада сенга топилар албат,
Бир нечта мухлислар қўйган муҳаббат.

Улар сени мақтар, буюк доно деб,
Жаҳонда тенги йўқ, бир уламо деб.

Атрофингда бўлар ҳар кун гиргиттон,
Иззату ҳурматга кўникар инсон.

Бу эса балонинг каттаси бўлар,
Буни англамаган кимса йиқилар.

Мухлислар кўплиги бу ҳам тузоқдир,
Буни англаганлар бундан узоқдир.

Баъзи шахслар нафси истайди икром,
Бу уни чалғитиб айлаб олар ром.

Эшитмоқлик мақтов унга ёқади,
Энди танқид қилсанг оғир ботади.

Энди бундай кимса даъват қилолмас,
Энди бу йўл узра холис бўлолмас.

Унга бу шайтоннинг бир тузоғидир,
Барча тузоғидан ёмонроғидир.

Ҳар турли балодан ўтсангда омон,
Бу тузоққа тушиб қолишинг ёмон.

Холис бўлиш керак бу йўл устида,
Холис бўлолмаган шайтон дўстида.

Бўлса агар сенда бир холис юрак,
Мақтов ва иззатни кутмаслик керак!

Буюк Аллоҳ ризосидан ташқари,
Анғласанг бир пулга қимматдир бари.

Тангри ризосини кутмоқлик керак,
Шу билан дунёдан ўтмоқлик керак!

Казо казоликни қилсанг иддао,
Бу нарса холислик учун бир бало.

Иzzату икромдан қўйилса тузоқ,
Бундан омон бўлиш имкондан узоқ!

Кўп одамлар бунга мубтало бўлган,
Холислик учун бу бир бало бўлган.

Бу нарса оғирдир ўйлаб қарасанг,
Қилмоқ керак доим, нафсинг билан жанг.

Бу шартлар оғирдир, балки имконсиз,
Адашсанг кетарсан шарафсиз шонсиз.

Бу йўлда адашмай ўтолганлар оз,
Шу йўлда жон берсанг, бу жудаям соз.

Аммо, ожиз махлуқ инсон эканмиз,
Кўп хато қилувчи нимжон эканмиз.

Шу сабаб бу улуғ шарафли йўлда,
Кўп инсонлар иши ўлдаю жўлда.

Гарчи етмасакда улуғ шарафга,
Кетармиз улуғлар кетган тарафга.

Бу йўлда оввора сарсонмиз гарчи,
Мақсаддан адашиб ҳайронмиз гарчи.

Ё раббий бизларни тўғри йўлга сол,
Мақсадга еткузиб сўнг жонимиз ол.

Риёю сумъадан асрагил Ўзинг,
Насиб этгил бизга кўрмоқлик Юзинг.

Агарчи адашган бечоралармиз,
Ўз нафсимиз билан овворалармиз.

Бизга раҳм қилгил, эй қудратли Зот,
Бу синов йўлида бер сабру сабот!

.....

24.04.2017

Уламоларга саволлар:

Уламолик иддао қилган,
Кимсаларга ҳурматим бисёр.
Шу сабабли менинг уларга,
Берадиган саволларим бор.

Одоб билан савол бермасам,
Авф қилибон, кечиринг аммо.
Менга тушунтиринглар нима,
Уммат устидаги муаммо?!

Устувор масала нимадир,
Шу бугунги вазиятга мос?!
Нима қилса охир оқибат,
Таназзулдан бўламиз халос?!

Нима қилсак тугаб битади,
Қирғинбарот Афғонистонда?!
Қачон тугар уруш жанжаллар,
Сурия ва Ироқ томонда.

Нима қилсак ислом уммати,
Бир кун рўшноликка етишар?!
Қайтарми деб қадр қиммати,
Асрлардан бери кутишар?!

Қачон ҳаёт сахнига қайтар,
Тарихларда қолган Туркистон?!
Айтинг қачон, туркий уруғлар,
Тинч яшайди, тўкмай ноҳақ қон?!

Бу умматнинг битта бўлаги,
Ўзбекистон деган давлат бор.
Нима қилсак у ердаги халқ,
Ривожланиб яшар бахтиёр?!

Нима қилсак турмада ётган,
Маҳбуслари бўлади озод?
Залолатнинг қаърига ботган,
Қачон бўлар бу диёр обод?!

ИШИД деган халифат келиб,
Битдими бу умматнинг ғами?
Ҳизбут айтган Халифа келса,
Бўлармикан бу дард малҳами?!

Ёки, бошқа бир йўл борми,
Бўлса айтинг менга илтимос.
Нима қилсак яшай оламиз,
Шариатнинг талабига мос?!

Мана шулар менинг саволим,
Дардим сизга тўкиб соламан.
Етмас менинг ақлу хаёлим,
Сиздан жавоб кутиб қоламан.

26.04.2017

Мустабид ўлими

Мустабид ўлими айни муддао,
Омад кулиб бокди бу Мирзиёга.
Унга садоқатни қилар иддао,
Қаранглар бу кунги, казо казога.

Ҳайкалтарошларнинг бозори чаққон,
Мустабид сиймоси бўлмасин унут.
Эртага буниси топширганда жон,
Ҳайкалтарош керак буни эсда тут!

Халқнинг дод фарёди унча муҳиммас,
Улар шундай ўтиб кетаверади.
Уларга яхшилик қилиш шарт эмас,
Улар ҳамду сано айтаверади.

Асосийси, яшаб қолмоқлик керак,
У деб бу деб алдаб юриб ҳаммани.
Қариндошлар учун кенг бўлсин юрак,
Ўйла яқинларни, хола аммани.

Содиқ бир кимса топ ўрнинга келсин,
У ҳам сенга қўяр эртага ҳайкал.
Авлодлар сизларни кимлигинг билсин,
Десинлар: «лениндек даҳо, тепакал.»

Лаънат бўлсин сенга, Рустам Иноят

Чорак аср ўтди, бу эл бошидан,
Зулм кўрди золим бир юртбошидан.
У золим ўлса ҳам барибир ҳали,
Зулм йўқ бўлмади қари ёшидан.
Элга кўрсатмади ҳаргиз ҳимоят,
Худодан топгай бу Рустам Иноят.

Шунчалик бўларми айтинг одамлар?,
Тугамасми асло бу ташвиш ғамлар?!
Қанча зулм кўрдик зиндонларда биз,
Эсимдан чиқмайдир ҳеч ўша дамлар!
Безор бўлди барча шаҳар, вилоят,
Ер ютсин сени ҳам, Рустам Иноят.

Огоҳ бўлингизлар эй мусулмонлар,
Ҳалиям турмада окмоқда қонлар.
Чорак асрдирким зиндон қаърида,
Азоб чекмоқдалар қанча инсонлар?!
Тўқиб турли сохта, эртак ривоят,
Элга зулм қилди, Рустам Иноят!

Ҳайронман сени ҳам виждонинг борми?
Аллоҳ, охиратга имонинг борми?!
Диндорларга доим зулм қиларсан,
Қайта тирилишга гумонинг борми?!
Ўтиб кетмоқдасан топмай ҳидоят,
Аллоҳдан кўрқмадинг Рустам Иноят.

Менинг тушунмаган томоним шунда,
Бу ишлар тўғримас мавжуд қонунда.
На қонунга амал қилмаса булар,
На дилинда имон бўлмаса унда?!
На бир қонунларга қилди риоят,
На Худодан кўрқди, Рустам Иноят?!

Бу ишлар қолмасдир берилмай жазо,
Бу ишингдан Тангри бўлмайди ризо.
Дунёда жазони олмасдан ўтсанг,
Келади тақдирда битилган қазо.
Буюк Аллоҳ сенга қилсин кифоят,
Жазоинг муқаррар, Рустам Иноят!

Сен Аллоҳга қилдинг иблисдек исён,
Ит каби хор бўлиб, топширарсан жон!
Сен сабаб йўқ бўлди қанча олимлар,
Сен сабаб турмада умрлар хазон!
Қилдинг беҳад жабр, зулму жиноят,
Лаънат бўлсин сенга, Рустам Иноят.

Эришдинг дунёда шуҳрат мансабга,
Бошлиқ бўлдинг жаллодларга миршабга.
Элга зулм қилиш бўлди қилмишинг,
Эришдинг шу бўлса, демак мақсадга.
Сенга ҳам келади, навбат ниҳоят,
Малъун жаллод, хоин, Рустам Иноят.

Дод сени зулмингдан, эй мустабид дод,
Сенга ҳам бор жазо бергувчи жаллод.
Бу юрт тарихида бадном бўлиб қол,
Йўқ бўлсин сен билан зулму истибдод!
Тарих қилмишингни, қилсин ҳикоят,
Малъун бўлиб қолгин, Рустам Иноят!

Кўрсатгил қудратинг Ўзинг ё Раббий,
Озод бўлсин барча, «вахҳобий, ҳизбий».
Золим заволига дуолар қилиб,
Дилдан қарғаб шеърлар ёзади Саҳвий.
Сенга таъсир қилмас, ҳадису — оят,
Жаҳаннамда куйгин, Рустам Иноят!

.....

Айтинг, айборми, ваҳҳобий, ҳизбий?!

Дунё мавжуддирки тугамас жанглар,
Тугамас экан ҳеч ҳийла найранглар.
Тоза ҳалол одам қолдими бугун?
Ўғрини қароқчи урар қаранглар!
Бу қандай синоат экан, ё Раббий?,
Айбдор дейилди, ваҳҳобий, ҳизбий.

Чорак аср ИАК бўлди ҳукмрон,
Оқди чорак аср элда қизил қон.
Исён қилолмасдан, қочди бу миллат,
Бугун дунё бўйлаб, сарсон, саргардон!
Албатта ҳар нарса бўлади нисбий,
Бунга ҳам айбдор, ваҳҳобий, ҳизбий!

Қизлари миллиардлаб доллар ўмарди,
Ақли бўлса агар ерга кўмарди.
Чет элларда қўйиб, шарманда бўлди,
Бу фактлардан ким ҳам кўзни юмарди?
Тугамади хоин каззоблар кизби,
Бунга ҳам айбдор, ваҳҳобий, ҳизбий!

Ҳақ сўзни айтмаса, бу мулла имом,
Ноҳақдан бировга айб қўйиш ҳаром!
Ҳамма айбни бизга қўйиб қўйдинглар,
Келади бир куни вақти интиқом.
Мунофиқлик бўлган бир умр касби,
Яна айбдор ким, ваҳҳобий, ҳизбий?!

Юртда ҳукмрондир зулм залолат,
Қолмади ҳақиқат, адлу адолат.
Наҳотки, йўқ бўлса, бошқа айбдор?,
Ҳақни гапирмаслик улкан разолат!
Ҳайрон қолиб, шеърлар ёзади Саҳвий,
Айтинг, айбдорми, ваҳҳобий, ҳизбий?!

12.04.2017

.....

Тополмадим

Кездим бу дунёнинг баланд падини,
Ҳали мен ўзимга йўл тополмадим.
Иблис олмоқдадир мендан қасдини,
Қочиб кетишга бир чўл тополмадим.

Нажот қирғоғига кетарман сузиб,
Осий банда бўлдим аҳдимни бузиб,
Адашдим бу дунё уммонин кезиб,
Бир мадад берувчи қўл тополмадим.

Менинг кимлигимга гувоҳдир Аллоҳ,
Менда кўп беадад маъсият гуноҳ,
Нафсимга қул бўлдим, у менга подшоҳ,
Мен унга бошқа бир қул тополмадим.

Дунёда хору зор ғурабо бўлдим,
На тақволи фозил, фузало бўлдим,
На ўқиб бир олим, уламо бўлдим,
На ишлаб мол дунё пул тополмадим.

Дунёда мақсадим битмас ё Раббий,
Ўзинг бу оламга, танҳо мураббий,
Ташналаб кетмоқда дунёдан Саҳвий,
Денгиз дарёни қўй, қўл тополмадим.

15.04.2017

Ўлиб кетди битта ўзбек золими,
Мустабидлар сони битта камайди.
Унинг жасадини қўриқлашмоқчи
Бирор кимса нима учун, демайди.
Уни қўриқлашга бало бормиди?,
Қабрда ётса ҳам, биров тегмайди.
Чиқариб ахлатга ташласа агар,
Унинг жасадини ит ҳам емайди.

.....

Рубоийлар:

Қафасда сақланган қуш учолмайди,
Занжирдан қутулган қул қочолмайди.
Сомонхонагача югурар бузук,
Бу сирни одамзод еча олмайди.

.....

ИАК ҳам қабрида чириб бошлади,
Танасинда қуртлар юриб бошлади.
Уни издошлари унга бағишлаб,
Ҳамма ерга ҳайкал қуриб бошлади.

.....

Муҳаббат кўзларни кўр қилар экан,
Чумолини филдан зўр қилар экан.
Бундайлар тузалмас, токи ўлгунча,
Букрини ҳам тўғри, гўр қилар экан.

.....

Эътироф

Ҳаётда кўп қилдим, хатою гуноҳ,
Бу ишларга Тангрим бўлгандир гувоҳ,
Кейин ақлим кириб, дедим: «афсус, воҳ,
Билмабман, у пайтлар жоҳил ёш эдим.»

Бўлиб қолдим, кейинчалик «тақводор»,
Бу давр хатосин, гапирма зинҳор,
Кейин ақлим кириб, эй Парвардигор,
Дедимки: кечиргил, мен бебош эдим.

Кейин тушди бошга кўп бало офат,
Тарк этмади мени, Иблис касофат,
Бесабрлик қилдим топмай ҳаловат,
Англадимки, мен бир бағри тош эдим.

Туғаб битди охир синовли замон,
Лекин балолардан топмадим омон,
Охири йўл олдим, бу ҳижрат томон,
Қашқирлар ичинда хом талош эдим.

Кейин кўп неъматлар етди бирма бир,
Сен неъматларни қўй, хатодан гапир,
Яна менга Иблис ўтказди таъсир,
У билан мен яқин, бир сирдош эдим.

Ярим аср яшаб қўйибман қаранг,
Ҳалиям судралиб яшарман аранг,
Ёмондир битмаса дилдаги яранг,
Эҳ, кимлар билан мен, дўст диндош эдим?!

Қуриб бормокдадир бу умр боғи,
Йўқ менинг гуноҳим сону саноғи,
Битмади бу ғамгин кўнгилни доғи,
Ғам чекканларга мен қайғудош эдим.

Умрим кўпи ўтиб, энди қолди оз,
Хазон фасли келди, ўтди баҳор, ёз,
Хатолар қиларман боз устига боз,
Лекин айтолмайман энди «ёш эдим.»

Шундайдир Саҳвийнинг бугун аҳволи,
Бирор куни йўқдир, хатодан холи,
Тақводор бўлишга етмади холи,
Гарчи уларга дўст ва сафдош эдим.

07.04.2017

ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар

Заррача қадри йўқ сизга инсонни,
Сизлар ўзига хон, ўзига беклар.
Мақсадингиз тўкмоқ беҳуда қонни,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Динга дахли йўқдир бўлса қатли ом,
Бунга буюрмайди бизларни ислом?
Билмаслар ноҳақдан қон тўкиш ҲАРОМ,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Топмаган тўғри йўл, роҳи ҳидоят,
Залолатга кетди буткул ниҳоят,
Дин номидан қилар бугун жиноят,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Улкан фитна бўлди ИШИД умматга,
Бу фитна тушмоқда бизга қимматга,
Манкуртдек бўйсуниб турар хизматга,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Умрида бир жойни қилмаган обод,
Вайрон қилишликка қодир бир жаллод,
Шунчалик бўларми ваҳший одамзод?
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Наҳот булар учун, айтинглари манга,
Отаю онанинг қадри бир танга?,
Душманлик қилмоқда, юртга, ватанга,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Бу қонхўр гурухдир, эмас хилофат,
Ислом умматига келган бир офат,
Қайга борса топар, бирор касофат,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Бизни огоҳ этиб, буюк пайғамбар,
Шундай қавм ҳақида бергандир хабар,
Хўл қурукни бугун ёқар баробар,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Биз ҳам бу балодан қолмадик омон,
Бир чора бўлмаса, бунданда ёмон,
Залолатда давом этарлар ҳамон,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Мўминман деганлар бўлса бевафо,
Кимдан кутиш керак, адолат, вафо?,
Ўз жонига ўзи қилмоқда жафо,
ИШИД гирдобига тушган ўзбеклар.

Золим шоҳ ва унинг вазири ҳақида эртак

Бор эди золим шоҳ қадим замонда,
Зулмидан ҳеч кимса қолмас омонда.

Унинг давронида кўп бўлди бедод,
Зулмидан халойиқ дер эрдилар дод.

Кўп бўлсада унинг мулозимлари,
Индамай жим қараб туришди бари.

Чорак аср сурди даврини золим,
Буни вафс этишга етмас мажолим.

Охири оқибат етишди замон,
Йўл олди бу золим, ер қаъри томон.

Уни кўмди йиғлаб кўп мулозимлар,
Қизлари ҳам кийди шу кун лозимлар.

Бош вазир кўтарди уни тобутин,
Бутпарастлар ҳурмат қилгандек бутин.

Иззат ҳурмат билан кўмдилар шоҳни,
Бир умр зулм этиб ўтган гумроҳни.

Вазири ўрнига бўлдику подшоҳ,
Элда ҳам чора йўқ, ноилож, нохоҳ.

У ўлган золимни отамиз деди,
У кўрсатган йўлдан, кетамиз деди.

Тез ўтмай чиқарди у янги фармон,
Ўлган шоҳни деди, буюк қаҳрамон.

Унга атаб ҳайкал қўямиз деди,
Маъракада қўйлар сўямиз деди.

Подшоҳлик тахтига ўтиргач вазир,
Бошлади беришни барчага таъзир.

Деди ўтган ушбу чорак асрда,
Барча амалдорлар яшаб қасрда.

Халқ дардига ҳеч ким солмади қулоқ,
Энди мен барчасин қиладирман оқ.

Деди барча миршаб, посбону қози,
Порахўр қаллобдир, халқим норози.

Деди қонунларга йўқдир эътибор,
Бунчалик разолат айтинг қайда бор?

У тинмай сўкарди ўтган замонни,
Олдинги тузимни даври давронни.

Гарчи ўзи бўлган эсада вазир,
Уни бу танқиди мақтовга арзир.

Бу чорак асрда бу халқ бўлди хор,
Буни ҳамма билиб, айтмасди зинҳор.

Энди қаранг айта бошлади бу шоҳ,
Зулматни ёритиб чиқан каби моҳ.

У жим юргандику шу чорак аср,
Бугунги гаплари қилади таъсир.

У ғиринг демаган золим даврида,
У ҳам давлат арконида бирида.

Бугун у гапирар ўтган замонни,
Адолатсизликни яхши ёмонни.

Лекин, ўлган золим подшоҳ шаънига,
Мақтовлар ёғдирар бориб ёнига.

Лекин танқид қилар ўтган даврни,
Элга етган турли зулму жаврни.

Бугун у гапириб чарчаб толмайди,
Лекин, мардлик қилиб айта олмайди.

Агар ёмон бўлса биздаги тузум,
Бу учун аслида айбдор ўзим.

Бу учун айбдор ўша золим шоҳ,
Унга итоатда турган мен гумроҳ.

У мараз ўлгани яхши бўлдику,
Ароқ ичиб охир бўкиб ўлдику?!

У золим масъулдир барчаси учун,
Уни лаънатлайман демайди нечун?!

Тинмай мактар бизга у ўлган шоҳни,
Даврини ёмон дер, қаранг жумбоқни.

Агар ёмон бўлса шу ўтган давр,
Етган бўлса элга зулм ила жавр.

Ўшани бошида турган касофат,
Келтирди бу элни бошига офат.

Нега у бадбахтни айтмас ёмон деб,
Элни аҳмоқ қилар ё оломон деб?!

Мени ақлим етмас ўша жойига,
Киришга ҳам қўрқди оқсаройига.

Мантиқ топмаяпман бу ишларда ман,
Бу сирни тагига етмай зарда ман.

Оқни оқ қорани демаса қора,
Бу қандайин одам, банда бечора?!

Золимга демасак, бу бўлган золим,
Ҳақиқатданми шу? шудир саволим.

Кимга керак куруқ сафсата гаплар,
Қуриб битганми ё, бу элда алплар?!

Билмадим тушунмай мени ақлим лол,
Шу ерда бу эртак тугайди алҳол.

31.03.2017

Бир куни

Беҳуда қайғуни қўй шодон бўларсан бир куни,
То тириксан шод яша, гумдон бўларсан бир куни.

Молу дунёнинг келиб кетганига қайғу чекиб,
Беҳуда дунё учун қурбон бўларсан бир куни.

Сен адолат истама бу имтихон дунёсида,
Изласанг топмай уни ҳайрон бўларсан бир куни.

Дунёда хою ҳавас поёнига етмас киши,
Топмайин бош охири сарсон бўларсан бир куни.

Бири кам дунё деганлар охири барбод уни,
Келса тақдир зарбаси гирён бўларсан бир куни.

Бил ғанимат даври давронинг тугаб битмас бурун,
Ногаҳон етса ажал нолон бўларсан бир куни.

Тангрига қилгил таваккул дилни шод эт Саҳвиё,
Ғарибман деб ғам ема, султон бўларсан бир куни.

.....

Кетарман

Келгандим дунёга бир куни йиғлаб,
Яна бир кун йиғлаб қайтиб кетарман.
Яхшими ёмонми қанча йил яшаб,
Кўрган билганимни айтиб кетарман.

Елиб югурмадим дунё мол учун,
Курашдим ватан деб, истиқбол учун,
Абас ўтказганим умри сол учун,
Аламим ичимда тортиб кетарман.

Охири йўқ орзу ва ниятларни,
Қанча айтилмаган васиятларни,
Қилган барча гуноҳ маъсиятларни,
Ноилож елкамга ортиб кетарман.

17.03.2017

Юртинга бор дея чақириб,
Тўғри қилаяпсан эй ўртоқ.
Ватанимни соғиниб туриб,
Бора олмаяпман мен қўрқоқ.

Гарчи, ватанимни соғиниб,
Бўлган менинг тоқатларим тоқ.
Борсам тагин қамайдилар деб,
Боришга қўрқаман мен қўрқоқ!

Қанийди бир замон ўзгарса,
Мен кутган кун келсайди шу чоқ.
Шу кунларни келишин кутиб,
Яшаяпман ватанга мушток!

ИАК ўлган билан барибир,
Ўзгаришлар бўлмади бироқ.
Умидим бор аммо, бир куни,
Биз ватанга борамиз ўртоқ!

.....

Кўкда ёнган юлдузлар каби,
Зимистонни ёритиб бир оз.
Кўнгил осмоним юлдузи йўқ,
Дилим хира бўлди, қайта боз.

Баҳор шамоли каби елиб,
Хаёлларим паришонхотир.
Яна ўйлар босади келиб,
Яна дилим тўла хавотир.

Оромини излаб ҳамиша,
Тўлғонади ғамгин хаёлим.
Қайда излаб топмаган ўша,
Орзуимда қолган аёлим.

Васвасалар мени тинч қўймас,
Менда йўқдир топишга чора.
Дийдорини излаб тополмас,
Қандай бахтсиз шоир бечора?!

20.03.2017

Қайга борма барибир таъқиб этар рўё сени,
Фалокатнинг қаърига солмоқдадир гўё сени.

Ҳар тарафдан дилга ғам солгай бу дунё қайғуси,
Ҳеч қачон дўст тутмаган ўзига бу дунё сени.

Дилни хотиржам қилиб дунёга алданма яна,
Қилмаса бас, бу кетишда энди рўсиё сени.

Тангри зикри бирла қалбинг топмаса ором агар,
Бошқа нарсга қалбинга бермайди нур зиё сени.

Қўй халойиқнинг ғамин, Холиқ ғамин қил энди бас,
Ҳалокатга элтгуси тарк этмасанг риё сени.

Хаста қалбинг, сохта дунё ғамидин топмас омон,
Ҳеч қачон тарк этмагай, дунёда дийдиё сени.

Кошки бу ғамни ювишга, чора топсам бир куни,
Саҳвиё поклар дилинг борсанг Амударё сени.

13.03.2017

Қаранглар бу касга ростга, дўндирар ёлғонни ҳам,
Фирибгарликда ортда қолдирар шайтонни ҳам.
Динфурушликка мажбур бўлса расмий муллалар,
Бу ғанимат билмагандир, борида имконни ҳам?!
Бунга на ҳожат бу каззоблик, нега жим юрмагай?,
Билмадим ошга қўшиб, ютганмикан виждонни ҳам?!
Бевафо ўткинчи, ёлғон нағмаларга ўйнабон,
Қўйди ботилга бугун бўйсундириб қуръонни ҳам.
Зулмга хизмат қилишни бошлади, фатво бериб,
Кошкиди бой бермаса, дунё учун имонни ҳам.
Ҳақни ботилга ўрашлик, хиёнатнинг каттаси,
Тангрига қилмаган иблис бу каби исённи ҳам.
Хиёнатдан қайт дея, Саҳвий қилур сенга нидо,
Унутиб қўйма сени халқ айлаган Раҳмонни ҳам!

11.03.2017

Бир кун келар юртимга, ҚУРЪОН билан борарман,
Фатҳу нусрат ғалаба, имон билан борарман.
Баракот йўқдир элда, ҳамманинг дарди пулда,
Зулмга қарши дилда, исён билан борарман.
Бўлдик бугун дарбадар, шу бўлди тақдир азал,
Ёзганим қанча ғазал, дoston билан борарман.
Не не алп баҳодирлар, кўп ишларга қодирлар,
Минг минглаб муҳожирлар, қарвон билан борарман.
Бугун бизлар кўп сонли, катта шовқин суронли,
Адолатли имонли султон билан борарман.
Дардим қилай овоза, қиш тугаб етсак ёза,
Эл юрт олдига тоза, виждон билан борарман.
Кошки, мақсадга етсам, кейин дунёдан ўтсам,
Бундан олдинроқ кетсам, армон билан борарман.
Саҳвий айларсан орзу, қилма беҳуда қайғу,
Дилда жўш урган туйғу, туғён билан борарман.

07.03. 2017 йил

Азалдан бизга маълумдир бу йўлда хавф хатар бордир,
Чунки Тангри каломинда бу тўғрида хабар бордир.

Ҳаётнинг мазмуни шулдир, бу дунёда синов шулдир,
Шулардан соғ саломат ўтсанг оқибат самар бордир.

Ҳаётим хавф хатарга тўла бўлди деб, ема қайғу,
Маишат бирла ўтказган ҳаётда қўп зарар бордир.

Бу дунёда оғир енгил барин бир бир кўриб ўтдим,
Мен англаб етганим шулки, асалда ҳам заҳар бордир.

Нурафшон бўлса кундуз кечалар бўлгай зимистон тун,
Бу зулматни ёрутмоққа, самовотда қамар бордир.

Туганмас бу кураш, бу олам узра то ҳаёт мавжуд,
Кимга мағлубият битган қазо, кимга зафар бордир?!

Ҳаётинг етди бир манзилга Саҳвий, энди ақлинг йиғ,
Йўл озукасини тахт айла, олдингда сафар бордир!

09.03.2017

Ҳажр қолмас ёшурун оҳу фиғон чек, эй кўнгул,
Ким, яшурмоқ бирла ҳаргиз қолмади пинҳон ўлим.

А. Навоий.

То тириксан бор бошингда билгил эй инсон ўлим,
Вақти етса тотмоғи лозим бўлур ҳар жон ўлим.

Қолмади дунёда мангу ҳеч вазирлар шоҳлар,
Англагил келмоғи мумкин бандага ҳар он ўлим.

Бу ҳақиқатни тан олгай кофиру мўмин бари,
Чунки, келмоғин хабар берган эди қуръон ўлим.

Ҳар бир инсон бир куни тотгай ажалнинг шарбатин,
Не саодатдир агар, топса киши осон ўлим?!

На келишда на кетишда бандада йўқ ихтиёр,
Не саодат келса гар ҳамроҳ бўлиб имон ўлим?

Эҳтиёткорлик ажалнинг дардига қилмас даво,
Мард бўлиб ўлмоқ насиб этса шараф ва шон ўлим.

Саҳвиё, мўмин кишига на ҳожат хавф айламоқ,
Рухни жасаддан халос қилгувчи бир имкон ўлим.

09.03.2017

Қўрқиш билан ҳаётда битган эмас ҳеч бир ғам,
Қўрққани учун ўлмай қолмагай ҳаргиз одам.

Бу ҳаётнинг бори шу, тугамайди муаммо,
Яшашлик керак доим тутавермасдан мотам.

Тақдирда ёзганидан ўзга нарса бўлмайди,
Шундай экан қўрқишга энди на ҳожат бу дам?!

Эртами кеч кетармиз Тангрининг даргоҳига,
Хоҳлайсанми ёки йўқ, мангу қолмайсан сен ҳам.

Шудир тақдирга имон, шудир диннинг асоси,
Буни англаган диллар бўлажакдир хотиржам.

Бу асосдан адашган залолатга кетибди,
Ундай ким дардига йўқдир дунёда малҳам.

Тангрига таваккулни қилиб шод яша Саҳвий,
Ўтаяпсан дунёдан кимдан ортиқ, кимдан кам?!

Ўғлимга:

Эй ўғлим, мен сенга насиҳат айлай,
Буни ҳам ҳаётда ҳар ким қилмайди.
Мен сенга кўрганим билганим айтай,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

Тақдир битилгандир бизга азалдан,
Мардлик ҳаётингни камайтирмайди.
Эй болам, ҳаётда мард бўлиб яша,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

Ҳали паст баландни кўрмадинг болам,
Буни яшаб кўрмай, биров билмайди.
Қўрқишга арзимас бу дунё, олам,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

Бизга Тангри битган умр муддат бор,
То шу тугамаса, одам ўлмайди.
Ҳаётда яшайсан атиги бир бор,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

Қазонинг ҳукмини кўрмай чора йўқ,
Баъзида ўйланиб, кўнгил тўлмайди.
Тақдир ўзгармайди, бўлсин кўнглинг тўқ,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

Азал тақдирингда битилмас экан,
Биров йиғламайди, биров кулмайди.
Ирода бўлмаса кирмайди тикан,
Қўрқоқлик умрингни узайтирмайди.

.....

Эй фалак, озурда бу дил изтиробингдан сени,
Бўлмаган рўёси орзуи саробингдан сени.
Хаста кўнглим бўлмади ҳеч изтиробингдин халос,
Қайга қочгаймен туганмас бу азобингдан сени?
Бу ҳаёт шундай яралган битмагай ташвишу ғам,
Англадим ё Раб шуни, ўқиб китобингдан Сени.
Ношукрлар жумласидан битмагил Тангрим мени,
Қўрқаман охир қиёмат кун ҳисобингдан Сени.
Тинмайин интилдиму, мақсад раво бўлмас хануз,
Бўлмади ҳеч фойда бу саъйи шитобингдан сени.
Эй кўнгил, дунёда коминг нораво кетмоқдасан,
Беҳабардир эл бугун, ҳоли харобингдан сени.
Саҳвиё гар қабринг узра бош кўтарса бир ниҳол,
Ранги озуқа олар, хоки туробингдан сени.

05.03.2017

Бир имом ҳақида эртак:

Бир имомдир менинг бу эртагим қаҳрамони,
Бу дoston шу имомнинг ҳаётининг баёни.
Ким эдию, ким бўлди, нима бўлар оқибат,
Биз кўрган билганимиз баён қиламиз фақат.
Ўқиганлар эртагим ўзбеклар, муслмонлар,
Айтишса ўз фикрини, марҳамат бор имконлар.
Агарчи топсангизлар бирор хатою саҳви,
Муҳокамага тайёр, радиоблог саҳвий.

.....

Бор эди битта имом, ўзбек деган диёрда,
 Эл ичра шуҳрат топиб, тушганди эътиборга.
 Замона эди шундай, даври истиклол эди,
 Ким нимани истаса, айтиш бемалол эди.
 Зулм даврони тугаб, келиб қолдику бир бахт,
 Озон сасидан сахар, уйғонар аҳли пойтахт.
 Ўша пайтда ҳам асло, расмий мулла имомлар,
 Ҳукуматни авайлаб қилганлар эҳтиромлар.
 Очиқ ҳақни айтишга журъат керак одамга,
 Ҳар кимгамас ҳақ дея, жар солишлик оламга.
 Беш ўнта шахс топилди, бутун мамлакат бўйлаб,
 Шулар гапиришарди, уммат аҳволин ўйлаб.
 Бошқалари ҳукумат саройга тобеъ эди,
 Олдинги ҳаётига тўла мутобеъ эди.
 Бу ҳақпарвар имомлар, асло бундай эмасди,
 Улар китоб суннатга зид бирор сўз демасди.
 Улар дарс олмаганди махсус расмий даргоҳда,
 У ерда дарс олганлар динфуруш ва гумроҳда.
 У масканлар динфуруш тайёрлашин билар эл,
 Шундай жойга боришга, қайси аҳмоқ боғлар бел?!
 Булар таълим олишган яширин ҳужраларда,
 Зулмга қарши дилда, алам бордир аларда.
 Келганида эркинлик ва бир оз имконият,
 Кўрди кимлар борлигин бу элда инсоният.
 Бизнинг қаҳрамон гарчи таълим олсада шунда,
 Динга бўлган садоқат ихлос бор эди унда.
 У бўлган бўлсада гар, расмий гуруҳга мансуб,
 Расмий гуруҳлар ҳали бўлмаган тўла мағлуб.
 У воз кечди улардан, ўтди булар ёнига,
 Ўшанда у танлади, жафони ўз жонига.
 Бу танлов очик ойдин ва ихтиёрий эди.
 У динфурушлар билан, бирга эмасман деди.
 Бу беш ўнта имомни, танийди бизнинг диёр,
 Улар ваҳҳобий деган, элда машҳур тамға бор.
 Охир оқибат бўлди, бўлиши керак ишлар,
 Бошланди қатағонлар, турли туман ташвишлар.
 Расмий имомлар дарров топди давлат тилини,
 Улар давом эттирди, динфурушлик йўлини.
 Бу ваҳҳобий деганлар, қамалди ва йўқолди,
 Кўплари қочиб кетди, ким аросатда қолди.
 Деманглар булар бари Саҳвийнинг эртагида,
 Бу имом турар эди золим бурнин тагида.
 У ўзидан олдин кўп зулмга учрагани,
 Эшитганман уларнинг айбсиз эди деганни.
 Бу мавжуд сиёсатга қарши чиқишлик эди,
 Бу бир журъат ва ўтга ўзни уришлик эди.
 У бу ишни қилмасдан, жим ўтирса бўларди,
 Шунда балким тегишмас, имом бўлиб қоларди.

У жим ўтиролмади, дилда исён жўш урди,
 У ҳақни айтиб қолиш йўлида собит турди.
 Бизнинг қаҳрамонга ҳам, етишди кўп ташвиш ғам,
 Синов қайдан келишин, албатта билмас одам.
 Уни қилдилар жудо, аввал молу мулкидан,
 Унга қарши турганлар айёр эди тулкидан.
 Уни ушлолмадилар, излаб оввора сарсон,
 Алаmidан охири қилишди ўғлин гумдон.
 Дарбадарликдан ўзга топмади бошқа чора,
 Тарк этди бу ватанни, энди имом бечора.
 Яширин у бу кимни мадад эҳсони билан,
 Яшаб юрди ҳар ерда, мавжуд имкони билан.
 Яшириниб яшашдан, каттароқ бир азоб йўқ,
 Яширинган одамнинг, кўнгли ҳаргиз бўлмас тўқ.
 Охир оқибат кейин, қавми қардоши билан,
 Содик муридларию, кўзида ёши билан.
 Кўчиб кетди европа давлатига бу имом,
 Шу билан бўлди гўё, ташвиш машаққат тамом?!
 Бу диёрда бир муддат яшашга бўлди имкон,
 Яна ўша дарс, таълим, хотиржамлик ҳукмрон.
 Лекин, тарк этмаганди, уларни бу шубҳалар,
 Ҳар бир келиб кетгандан, кўрқиб турарди улар.
 Сўнган эди имомнинг руҳидаги исёни,
 Балки ортиқ курашга қолмагандир имкони?!
 Унда йўқ эди энди, аввалги оташин нутқ,
 Одоб ахлоқдан нари ўтолмас сақлар сукут.
 Яна уни олдиға келди бир неча имом,
 Мадҳалийлар таълимин олган шахслар батамом.
 Булар бири мазҳабчи сулҳга мойил эди,
 Бирини фикри ҳам йўқ, ҳар ишга қойил эди.
 Булар ўтказишди ўз таъсирини имомга,
 Эришдилар имомнинг олдида эҳтиромга.
 Подшога итоатни вожиб деб билар булар,
 Имом нега подшога, бир умр исён қилар?!
 Мазҳабпарастлар шайхи мақтаса гар подшони,
 Қандай қилиб рад қилсин, имом бу иддаони?!
 Мадҳалийлар таъсири синдирди бу имомни,
 Кўрсатарди у энди мазҳабга эҳтиромни.
 Сиёсий мавқеъсини ўзгартирди бу кимса,
 Унга таъсир кўрсатди, уч тўрт мадҳалий хумса.
 Шунча йиллик курашиб ўтган умри ҳосилин,
 Одамзод бундай пайтда ўйлаб қолиши тайин.
 «Шунча чеккан азоблар сабабчиси ўзимман,
 Энди тангридан фақат, тилайдирман тўзимман.
 Демакким, адашибман, хато экан бу йўлим,
 Шу сабабли боғимда хазон ургандир» гулим.»
 Бу аччиқ ҳулосалар унга бермасди ором,
 Бу йўл тўғрилигини тасдиқлашар бардавом.

Имом одоб ахлоқдан ўзгасига ўтмади,
Лекин, бу билан қазо битган нарса кетмади.
Золимлар жўнатган бир қотил, нобакор, жаллод,
Куппа кундуз кун унга, қилди суиқасд бедод.
Бу суиқасддан лекин, вафот этмади имом,
Фақат даволанишда доим бўлди бардавом.
Бир йил, икки йил ўтди, бу энди табиий ҳол,
Имкони йўқ сўрашни, ундан ҳеч ким ҳол аҳвол.
Бу орада бу ерга, ушлаб келинди жаллод,
Унга жазо берилди, қамалишга умрбод.
Бу орада ит каби, ўлди кутирган золим,
Ундан қочиб шу ерга, келган эди бу олим.
Орадан ўтди беш йил, ўзгарди бутун олам,
Фақат ўзгариш йўқдир, бир нарсада ҳалиям.
Унинг соғлигидан йўқ, хабар олиш имкони,
Биров билмайди аниқ, танасиндами жони?
Бугун уни кўришга имконсиздир муридлар,
Лекин, тинмай айтишар, саловоту дурудлар.
Имомнинг ўғли фақат икки ўт ичра ёнар,
У ўзининг буюк зот эканига ишонар.
У ўйлайди отасин, яширгани тўғридир,
Ошкора қилиш хавфли, атроф тўла ўғридир.
Унга айтгандир балки, жим юр деб, у бу кучлар,
Улар мажбурлар деган, иддао таги пучлар.
Нима бўлганда ҳам шу, нарса аниқдир, аммо,
Имомдан дарак йўқдир, шудир катта муаммо?!
Албатта уни кўриб келишар «буюк зотлар,»
Оддий муридлар бундай муаммодан озодлар.
Шу тариқа уларнинг ҳаёти этар давом,
Фақат баъзи нарсага, тушунмас мендек авом.
Бу имомнинг аввалги босиб ўтган йўлига,
Бу кунга ҳолат мосми, бу саволим ўғлига.
Бу йўл бошида имом билардику барибир,
Синов машаққат бўлар, бўлар, не битса тақдир!
У буларнинг барига, бир бир чидаб келдику,
У шу йўлда шаҳодат, топишга оз қолдику?!
Энди балким, у беҳуш, билмайди ўз аҳволин,
Демак, бу сирли жимлик, иши аҳли аёлин.
Балким, ўзига келиб, англаган бўлса имом,
У бу ишга эътироз билдирар эди тамом.
Балки, у келгандан сўнг, яна ҳуши ўзига,
Эшитиб воқеъликни, кирган ўғлин сўзига?
У ҳам маъкул кўргандир, шу тариқа жимликни,
Жозибаси ортади ҳар доимо сирликни.
Бу тахминлар барчаси энди Аллоҳга аён,
Аллоҳ истаса агар бир кун қилинар баён.
Биз бу каби мавқеъни кўрмаганмиз тарихда,
На бир саҳиҳ тафсирда, на матнга шорихда.

Биз биламиз бу динда, кўп ўтган олим инсон,
Улар кўпи шаҳодат билан топширгандир жон.
Бу тарихда кўп бўлган золимларга исёнлар,
Булар ҳақида кўплаб ёзилгандир дostonлар.
Тарихда кўпдир ибрат, мардлик ҳақида китоб,
Ёки хиёнаткорлар, аҳволи бўлган хароб.
Бир умр золимларга қарши курашган имом,
Қалбида бугун йўқми, золимлардан интиқом?!
У ҳақни гапирганди, туриб золим ёнида,
Доимо даъват қилган золимлар исёнида.
У энди дом дараксиз, муридлар иш билан банд,
Улар шу яшаб турган кунлари билан хурсанд.
Имом ҳақида энди неларни битар тарих,
Келажак авлодга не, ибрат берар муаррих?!
Шу саволлар мен омий англамаган еридир,
Балким, бу деганларим, ҳали мингдан биридир?!
Шу ерда бу эртагим, тугар, бўлади тамом,
Тезроқ соғайиб чиқиб, жойига қайтсин имом!

Келажакка боқ!

Жонфидоликнинг бор қадру қиммати,
Бу нарса асрлар бўлади дoston.
Бўлса ҳар банданинг журъат қиммати,
Кўриниб туради ҳар дамда ҳар он.

Зулм ўраб турган мавҳум ҳолатни,
Марду жонфидолар тирилтирдилар.
Фидокорлик йўлини ҳақиқат йўлини,
Китобу суннатнинг йўли билдилар.

Шулар сабабидан тирилди уммат,
Шулар туфайлидан яшнади ислом.
Маддоҳларнинг нархи бир пулга қиммат,
Улар қолдирмаслар бу дунёда ном.

Ҳақ учун жонини тикканлар билар,
Фидокорлик қилиш қадри, нархини.

Қазою қадар не турфа иш қилар,
Қаранг бу фалакнинг эски чархини.

Ҳақ учун жон тиккан бир машҳур имом,
Шу йўлда кўп чекди, таъна маломат.
Золим ундан олди қасду интиқом,
Лекин жони қолди, соғу саломат.

Шу билан орадан ўтди кўп йиллар,
Шу билан йўқ ундан бошқа дом дарак.
Ҳайрат билан боқар, минг минглаб диллар,
Бу сирли жимлик айт, ким учун керак?!

Қани бу жимликда, мантиқу маъно?,
Наҳотки, у имом бўлгандир қўрқок?!
Ёки, уни яширгандир бошқалар,
У ҳам беҳабардир бу ишдан ўртоқ?!

Ёки, бошқа нима сир бор бу ерда,
Ахир ўлмайдами барибир инсон?!
Бизга маълум эмас, қачон қаерда,
Ажал етиб бизлар, топширамыз жон?!

Бу сирли сукунат эса, мутлақо,
Диний бир асосга эга эмасдир.
Бу дунё эмасдир, бир дорулбақо,
Буни омилар ҳам, тўғри демасдир.

Омонсиз курашда кутилмас шафқат,
Доимо берилган шаҳидлар жони.
Бу буюк мақомга эришар фақат,
Кимки, лойиқ бўлса, шунга имони.

Бизга шаҳодатдан таълим берганлар,
Энди Америка очаяпдими?
Сўз ёйин отишга уста мерганлар,
Ўзи шаҳодатдан қочаяпдими?!

Ёки, биз билмаган бошқа сир борми?,
Тушунтиринг ахир бизга жаноблар.
Ҳаммага кенг дунё сизларга торми?,
Тортилди ёки озроқ таноблар?!

Бу ишингиз билан, тарихий шахсни,
Обрўсига соя солмоқчимисиз?!
У ўзи кўрсатган йўлидан юрмай,
Ундан яна қасос олмоқчимисиз?!

Ҳаммамиз кетамиз эртами кечми?,
Бу ишлар тарихда қолади узоқ.
Бу тарихдан қандай ибрат олинар,
Сен бу кунга эмас, келажакка боқ?!

Бу қавм

Бу қавм ошкоралик қилар иддао,
Бу мисли йўқ бўлган, бир ажойиб иш.
Олдин гапириш ҳам эди нораво,
Тан оламиз бу бир катта ўзгариш.

Аммо, лекин, бироқ, бунга ишониб,
Гапирсанг ўз фикринг шартта бетига.
Кейин, улар тезда сўзидан тониб,
Тепади гапирган касни кетига.

Маъруза қилинар, умумий ҳануз,
Дейишарки: «бизлар демократмиз.
Шу учун курашган эдик барчамиз,
Ушбу иддаода шубҳасиз ҳақмиз!»

Даъво шундай бўлса, нияям дердик?,
Тушунмасман бунга, шуури пастман.
Биз ҳам сизлар билан бир сафда эдик,
Мен ҳам сизлар каби, «демократман»!

Турмада 17 йилдан бери ётган дўстимга атаб:

Ваъда берди қайси бир сўзга вафо қилди ИАК?,
Қанчалар мўмин мусулмонга жафо қилди ИАК?!

Чорак аср зулм қилди тинмайин шому сахар,
Ўлгунинча зулм этиб кайфу сафо қилди ИАК.

Эй биродар, сенга имон йўлида етди зулм,
Шунча йиллар ихтиёрингдан жудо қилди ИАК.

Сен каби мўмин мусулмонни қамаб, қийнаб фақат,
Шубҳасиз шайтон лаинга, иқтидо қилди ИАК.

Шунча фарзандинг сени кўрмай униб ўсди бугун,
Ота онанг бағрини ўртаб адо қилди ИАК.

Хонадонинг бўлди сарсон, парча нонга зор бўлиб,
Ўзига тўқ элни сарсону гадо қилди ИАК.

Қизлари миллирд ўмарган бўлсада йўқдир жазо,
Неча минг айбсиз мусулмонга жазо қилди ИАК.

Сен каби минглаб йигитлар турмада умри хазон,
Динга қарши жангда умрини фидо қилди ИАК.

Ҳалиям ҳеч нарса ўзгармай турибди барибир,
Ажал етди, ит каби ўлди, қазо қилди ИАК.

Энди бу золимга бир лойиқ жазо берсин Худо,
Қанча минглаб бандани, бахтин қаро қилди ИАК!

Ўрнига келганда ҳам мантиқ, фаросат топмадим,
Мирзиёни ҳам ўзига муқтадо қилди ИАК.

Ноиложликдан, аламдан шеър ёзар, Саҳвий бугун,
Кечмаса мазлум, Худо кечмас хато қилди ИАК!

07.02.2017

Бевафо дунё

Бевафо дунё менга на дўсту, на ёрлик қилур,
Қайда бўлсам турли хил ташвиш дилозорлик қилур.

Аслида шундай яралган кўҳна дунё бори шу,
Чунки, ҳар гулда тикан бордир ки озорлик қилур.

Инсу жин бирла малаклар, кеча кундуз айланиб,
Олам узра тинмайин ҳар лаҳза ҳамкорлик қилур.

«Бевафо дунё» дегайлар, одамизод дунёни,
Аслида ўзлари бир бирига айёрлик қилур.

Охират мангу ҳаёт, дунё унинг дебочаси,
Ақли борлар бунда у дунёга тайёрлик қилур.

Аслида тақдир азалда битгани бўлмай вале,
Ким нечук яхши ёмон, дунёда бозорлик қилур?!

Дунёдан истаб мурудинг топмадинг эй Саҳвиё,
Ҳаммага кенг бўлсада, дунё сенга торлик қилур.

.....

Нажот бергил ё раббим

Бир ажойиб хилқатли одам бордир бу ерда,
Бундай одамни топа олмассиз ҳеч қаерда.

Турли мазҳаб турли қавм қилишади ихтилоф,
У кимса барчага дўст десам бўлмагайдир лоф.

Ҳамма ҳаммага қарши бўлсада бу унга ёт,
У ҳамма тоифага кўрсатади илтифот.

Унга дўстдир мазҳабчи, ёки ҳизбут таҳрирлар,
Мутассиб сўфилар ё тариқатчи пирлар.

У дўстдир илмонийлар деган тоифа билан,
Ҳамма тоифа уни, дўстим деб, олади тан.

Ҳаммага ўргатади гарчи одобу ахлоқ,
Лекин ўзида шулар, мавжудлиги ҳам жумбоқ?

Ўзини паст тутди, кўриниши камтарин,
Биз биламиз йўқлигин камтарликни асарин.

Ўз фикрига ўзгани оғдиришга устакор,
Лекин, шахсий фикрим бу деган, иддао ҳам бор.

Қилади издиҳомда ҳар мавзуда маъруза,
Тақвога даъват қилар, яна намозу рўза.

Ёши бир жойга борган, сўзамоллик унга хос,
Шу ёшга етиб топган манҳажи шудир халос.

Хуллас, калом бу кимса ҳамма билан дўст иноқ,
Фақат менга дўст эмас, мен унга бўлганман оқ.

Биз у билан ўзаро сақлағаймиз масофа,
Фақат менга келганда ўзгармайди қиёфа.

Эҳтиром қилувчини менга вожиб эҳтиром,
Қилмаганларни ҳурмат қилиш мен учун ҳаром.

Шундай яшаб ўтармиз ушбу фоний дунёдан,
Тарк этамиз ҳаётни жой оламиз уқбодан.

Ўша жойда бўлади, барча кас ҳисоб китоб,
Кимнинг кимлиги шунда, қилинади сарҳисоб.

Дунёда эса ҳали ҳеч нарсa маълум эмас,
Шу кунгача ҳеч кимса, нажот топганман демас.

Ҳамма бир бирига ёв, бузилмоқда орамиз,
Фитна фасод ичинда, бир бир ўтиб борамиз.

Асҳоблар ҳам ўзаро қилган экан ғиллу ғаш,
Қурол билан ўзаро қилишгандирлар саваш.

Биз киммизу фитнадан яшай олсак омонда?,
Аммо, доим фитналар ичра яшаш ёмонда.

Гуноҳу маъсиятдан мени Ўзинг асрагил,
Хато бўлса гумоним гумонимни оқлагил.

Ё раббим, ғиллу ғашдан холи қил, менинг қалбим,
Ўзинг покла бу дилни, нажот бергил ё раббим!

.....

ИАКни унутмас ИАКпараствлар

Ҳамма нарса расво бўлиб бўлсада,
Ҳамма ёқни тўла хароб қилсада,
Ўзи ароқ ичиб, бўкиб ўлсада,
Булар ё мунофиқ, ё ақли пастлар,
ИАКни унутмас ИАКпараствлар?!

У иблис тўймади, ичсада конни,
Душман каби кўрди динни имонни,
Ростга айлантирди, сохта ёлғонни,
Бу ёлғон шаробдан ҳали сармаствлар,
ИАКни унутмас, ИАКпараствлар.

Рўшнолик кўрмаган бу қадим диёр,
Манқуртлар илгида, бўлди хору зор,
Буларда на имон, на фаросат бор,
Тугамас эканда, ҳою — ҳаваслар,
ИАКга сиғинар, ИАКпараствлар.

Хонавайрон қилди бу элни золим,
Дўзах оловидан бўлмасин солим,
Сендан нафрат қилар, фикри хаёлим,
Туғаб битмади бу, манқурт нокаствлар,
Тоғутга қул бўлган, ИАКпараствлар.

.....

Эй хукмдор, ҳазар қилгил, элга озор айлама,
Зулм бирла ўзингдан, эл юртни безор айлама.

Бундай меҳнатқаш, ҳунарманд, ғариб, эл дунёда йўқ,
Сен буларни парча нон топмоқ учун зор айлама.

Сенга ҳам бу тожу тахт, давлат, омонат англасанг,
Эл ичида камтарин бўл, кибр ила ор айлама.

Сендан олдин ҳам неча, золимни кўрди бу ватан,
Ибрат олгил, дилни кенг тутгил уни тор айлама.

Тангридан кўрк, молу мулкинга қирон келмай туриб,
Турмада ётган мусулмонларни бас, хор айлама.

То зулм мавжуд экан, сен бунга масъулсан, демак,
Кўзингни оч, зулм ила зулматни бисёр айлама.

Сенга Тангридан бугун тавфиқ тилар, Саҳвий нечун,
Сен ИАК қилган хато ишларни такрор айлама.

27.01.2017

Етди бир манзилга умрим сарҳисобимдир менинг,
Бу ҳаёт кўрган кечирган бир китобимдир менинг.

Кўзлаган манзилга етмай бўлди сарсон бу жасад,
Барча орзу мақсадим энди саробимдир менинг.

Билмадим қайда адашдим, ёки шу тақдир қазо?,
Бесамар кетган бари, қилғон шитобимдир менинг.

Менда бу йўл бошида холис тилак мавжуд эди,
Оқибат шу топганим ҳоли харобимдир менинг.

Аслида тақдир азалда бандага битсин нажот,
Мен тушунган нарсаси шу сизга хитобимдир менинг.

Ё раб, эътироф этарман, менда кўп, фисқу гуноҳ,
Ўз ўзимга барчаси бу қаҳри итобимдир менинг.

Саҳвиё, етдинг ҳаётнинг шомига, кун бўлди кеч,
Дамбадам ботмоқда умри офтобимдир менинг.

30.01.2017

Аҳли тақво бўлса яхши, аҳли расводан йироқ

Қилма кўп айбимни эй шайх, хонақоға бормасам,
Ким, харобот аҳли хушдир, аҳли тақводин йироқ.

Алишер Навоий

.....

Истагай кўнглим бўлишни аҳли дунёдан йироқ,
Демагил, душманларимдан, дўсти ошнодан йироқ.

Тарк этай дунёни, дунё аҳли тарк этсин мени,
Бўлсам эрди турли ғам, ташвишу ғавғодан йироқ.

Ғам тўла қалбимга сиғмас, на аза, на тўй бугун,
Кошки, бўлсайдим аза, тўю тамошодан йироқ.

Ихтилоф ичра адашдик, энди бирлашмоқ учун,
Бизга имкон қолмади, Исо Масиходан йироқ.

Раҳматинг дарёсидан ташна дилим қондирмасанг,
Ташналаб бўлдим ҳалок, ул мавжи дарёдан йироқ.

Сен ғариблик даштида, бўлдим ғариб деб ёнмагил,
Аҳли тақво бўлса яхши, аҳли расводан йироқ.

Энди бас қил дарбадарликни сабр қил Саҳвиё,
Бўлса тақдирингда бўлма, аҳли Тимродан йироқ.

.....

Англадим энди ҳаётнинг зийнати фарзанд экан,
Одамизоднинг дили фарзандига пайванд экан.

Ота онам қадрини англатди менга ушбу кун,
Энди билдимки улар қалби манга дилбанд экан.

Ибодат учун яратмиш инсу жин зотин Худо,
Шу ҳаёт мазмунига бу неъматни монанд экан.

Беҳисобдир одамизодга берилган неъматни,
Лекин, инсон зоти зурётига ҳожатманд экан.

Аслида фарзанд берар ота онасига сабоқ,
Унинг борлиги буларга бир насиҳат панд экан.

Икки дунёсини обод қилмоғин ҳақдин сўраб,
Қалбим Аллоҳга таваккул айлабон хурсанд экан.

Саҳвиё, неъматни қадрин англамайдир сен каби,
Кимки қалби беҳуда орзу ҳавасла банд экан?!

11.12.2016

Сени ёлғиз дея билмоқ, бу мазмуни ҳаётимдир,
Қиёматда яна ушбу, сабабкори нажотимдир.

Неки тавҳидни зидди бўлса, ботилдир гумоним йўқ,
У дунёю бу дунё шу ҳаётим ҳам мамотимдир.

Менга етмиш ҳаётимда неча турли бало офат,
Ақидам жавҳари тавҳид, менинг сабру саботимдир.

Ўшал тавҳидда содиқман, нажотидан умидим бор,
Агарчи кўп хатоларга тўла айшу нашотимдир.

Асрлар қаъридан тавҳидни қалбида олиб келган,
Боболардан менга мерос, менинг ҳам эҳтиётимдир.

Келажак зурриётимга шуни мерос қилиб кетсам,
Қиёматга қадар элтар, умидим зурриётимдир.

Менинг сонсиз гуноҳим бор, раҳм қил менга ё раҳмон,
Хато қилгувчиман, ушбу сабабдин Саҳвий отимдир.

.....

Ҳақ яратмишдир сени, жоду кўзинг шаҳло қилиб,
Сеҳрлаб олди дилимни, ўзига шайдо қилиб.

Ой юзин оҳанграбоси, хаста кўнглим ўртагай,
Кўзни тиймоққа иложим йўқ, менинг тақво қилиб.

Момо Ҳаввосиз яшолмаган учун одам Ато,
Қўйди Аллоҳ аёл зотин, эр учун пайдо қилиб.

Нозу истиғносидан мафтун этиб кўнглим вале,
Бир хабар бермас менга, қошу кўзин имо қилиб?.

«Хусн аҳлида вафо бўлмас» дегайлар, энди сен,
Бевафога яқинлашма, бошинга ғавғо қилиб?!

Шуаро аҳли муҳаббатни васф этган мудом,
Фарҳоду Ширин ва ё, Мажнун билан Лайло қилиб.

Жоду кўзлар сеҳрини васф этди меҳробдан чаён,
Муҳаббат афсонасин, Анвар билан Раъно қилиб.

Парирўлар меҳри дил торини чертиб тинмади,
Абас ўтди умри нақдим, тоатим расво қилиб.

Саҳвиё, дунё матосин афзали яхши аёл,
Топмасанг, начора ўт дунёдан истиғно қилиб.

.....

Яккаю ёлғиз Худога, илтижо қилдим бугун,
Яхши ният орзуларни, дилга жо қилдим бугун.

Умримиз етмоқда ўз поёнига йўқ ўзгариш,
Шу сафар бир нарса бўлгай деб, рижо қилдим бугун.

Ёки, бу миллатга рўшнолик етар, ё хор бўлар,
Хору зорлик келмасин деб, мен нидо қилдим бугун.

Агар золим бўлса, хор бўлсин, узоққа бормаин,
Мустабид келмай туриб, қарғаб дуо қилдим бугун.

Бу элга ким бўлса подшоҳ, юртга келгай яхшилик?,
Элу юртим қайғусин, назму наво қилдим бугун.

Умидвормиз яхшиликдан, то тирикмиз дунёда,
Ноумид шайтон бўлар деб, иддао қилдим бугун.

Саҳвиё, дунёда ғам ташвиш, адо бўлмас экан,
Бу ажойиб кашфиётни, ихтиро қилдим бугун.

.....

Бугун тунда ёлвордим, сахар туриб Худога,
Худоё инсоф бергил Ўзинг шу Мирзиёга.

Имонли банда бўлсин, бадбахт бўлмасин бу ҳам,
Дучор бўлмасин халқим яна турли балога.

Зиндондаги бечора мазлумларга раҳм қил,
Шояд бу кулоқ солса улар қилган нидога.

ИАК каби солмасин эл бошига офатни,
Айланмасин бу миллат яна сарсон гадога.

Бу миллатга нажот бер Эй қудрати буюк Зот,
Яна дучор этмагил бир дарди бедавога.

Сендан мадад бўлмаса ҳеч бир имконимиз йўқ,
Ҳеч ким қулоқ солмайди бизнинг бу дийдиёга.

Саҳвий унутма зинҳор, ҳақдан ўзгаси бекор,
Айланса шояд шу бор, дуоларинг равога.

09.12.2016

Умр ўтар тинмайин, не фойда, фарёд айласам?,
Ёки, ўтган қисмини эслаб, бугун ёд айласам?!
Ҳар дақиқа сония, паймонамизни тўлдирар,
Тўхтамас ҳаргиз неча, мен дастидан дод айласам.
На бу дунё бўлди обод, билмадим, на охират?,
Кошкийди, бу бўлмаса, у бирсин обод айласам.
Ҳар куни кетмоқдадир, катта кичик, ёшу қари,
Менда йўқ чора уларнинг руҳини шод айласам.
Қанчалар дўсти кадрдоним ҳануз зиндондадир,
Йўқдир имконим уларнинг барин озод айласам.
Дунёдан афсус ила, армон ила ўтмоқдаман,
Орзу қилгандим зулм аҳлини барбод айласам.
Саҳвиё, ҳеч нарсага йўл топмадинг дунёда сен,
Умр ўтар тинмайин, не фойда, фарёд айласам?

06.12.2016

Мирзиё ғолиб дея, тан олди, дўст бегонаси,
Шу билан битди тугаб, сайлов деган афсонаси.
Отамурод, Наримон, Кетмон, бу жанг майдонида,
Бўлдилар мағлуб бариси, шўр экан пешонаси.

Мирзиёга берди барча халқ, овоз, ёшу қари,
«Бахт қуши» қўнди бошига, халқ унинг парвонаси.
Ҳаргиз инсофли кишига қўнмади бу «бахт қуши»,
«Кўзлари кўрми?» дебон, бўлдим унинг ҳайронаси.
Эчкида жон қайғуси, қассобда гўшт,» мой қайғуси,
«Қуёв подшоҳ бўлди» деб, хурсанд бугун қайнонаси.
«Неччи йиллик орзуга етдик» дебон, хурсанд бўлиб,
Мирзиёни қучоқлаб ўпди бу тун, жононаси.
Устига улкан омонат олганин англармикан?,
Кошкиди, бўлсайди обод, ўлканинг вайронаси.
Истиқболда икки йўл бор, ё адолат, ё зулм,
Қайси бирсига тўлар, бу кимсанинг қононаси?!
Зулм қилса элга ким, ўз жонига қилгай азоб,
Тавқ ила лаънатга қолгай, ота бирлан онаси.
Адолатни шиор қилган кимса, қандай бахтлидир?,
Икки дунёда келур бу хизматин шукронаси.
Ажал олдинда баробар, фарқи йўқ, шоҳу гадо,
Эртами кеч тўладир, ҳар банданинг паймонаси.
Саҳвиё, вақтин ғанимат билса, қайси банда гар,
Шу асосда ўлчанур, оқил билан девонаси.

Ёлғиз фақат Тангридир

Ёлғиз яшаса одам, бўлмас ҳаётда тўй ҳам,
Ёки турли ғам ташвиш, тугата олмас ўй ҳам,
Аёлми ё эркакми, бири бирига муҳтож,
Қўчқори бўлмаганда, яшамас эди қўй ҳам.
Ҳаёт шундай яралган, шуни англадим шу он,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Ёлғиз яшай олганда, мабодо Одам Ато,
Яратилинмас эди, у учун Момо Ҳаво,
Дўстинг ҳам шу одамдир, душманинг ҳам одамдир,
Одамзод бир бирига, муҳтож яшар доимо!
Одамзоднинг одамга, таъсири бўлар чандон,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Энг буюк зот ҳам одам, энг пасткаши ҳам шудир,
Катта қувонч келтирган ва берувчи ғам шудир,
Турли туман, оқ қора, турли миллат ва динда,
Бири қон йиғлаганда, бири хотиржам шудир.
Одам яшай олмасдир, одамларсиз ҳеч қачон,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Кимдир тўкса қонини, кимдир уни даволар,
Кимдир хокисор бўлар, кимда кибру ҳаволар.
Кимда беҳисоб дунё, кимдир парча нонга зор,
Кимдир шод бўлса демак, бошқалар бенаволар.
Одамлар деб одамлар, доим оввора сарсон.
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Ёлғиз қолганда одам, бўлмас ҳасад, разиллик,
Бўлмайди тухмат, бўҳтон, бўлмас зўравон, қуллик.
Бўлмайди тўй томошо, қувончу ўйин қулги,
Ҳаётнинг бор қиймати, бўлар экан бир пуллик.
На хафалик, на қайғу, на бир иш яхши, ёмон,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Одамлар бўлмаганда, бу урушлар бўлмасди,
На яхши на ёмонга, интилишлар бўлмасди.
На садоқат, на вафо, на ёлғон, на хиёнат,
На пасткашлик ва ё на, буюк ишлар бўлмасди.
Ёлғиз қолганда ҳатто, қонхўр ҳам тўкмайди қон,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

Демак, шундай ҳаёт бу, шудир ҳаётнинг бори,
Шуниси билан қизик, бу ҳаётнинг бозори.
Навбат билан одамлар келиб кетар бирма бир,
Шундай яратган уни, буюк Парвардигори!
Шундай бўлмаса агар, буни дерлар қабристон,
Ёлғиз фақат Тангридир, ёлғиз яшолмас инсон.

2017 йил 10 январ

Фитнага тушмай нетай, ахлоқу одоб бўлмаса,
Фаҳш ўз домига тортар, мисли гирдоб бўлмаса.

Бўлса ҳамроҳим ҳамиша, изғирин, қору бўрон,
Бошим узра нур сочиб тургувчи офтоб бўлмаса.

Тўртта девор ичра ўтса, бори умринг, кўз тикиб,
Чораси йўқ, бедаво дард бирла бетоб бўлмаса?!

На иссиққа на совуққа, сабру тоқат йўқ нетай?,
Сабру тоқат бунчалар ҳам, менда камёб бўлмаса?!

Мен йиқилдим бу синовда, имтихондан ўтмадим,
Демагил, «Мен не қилай, масжиду меҳроб бўлмаса?»

Ё раб иқрорман гуноҳимга ҳидоят қил мени,
Сендин ўзга ҳидоят бергувчи арбоб бўлмаса?!

Қилмагил зоеъ менинг имону, кору борими,
Қўрқаман Саҳвий гуноҳ баҳринда ғарқоб бўлмаса.

17 январ 2017 йил

.....

Китоб тугади.

